## Мукаддима

Бугун биз тарихий бир даврда - халкимиз ўз олдига эзгу ва улуг максадлар кўйиб, тинч-осойишта хаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фукаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни кўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз.
Биз ўз такдиримизни ўз кўлимизга олиб, азалий кадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараккий топган давлатлар тажрибасини хисобга олган холда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халкимиз асрлар давомида орзикиб кутган озод, эркин ва фаровон хаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютукларимизни халкаро хамжамият тан олгани - бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустакиллик берганини бугун хаммамиз чукур англаймиз.
Ана шу хакикатни халкимиз хар томонлама тўгри тушуниб, танлаган тараккиёт йўлимизни онгли равишда кабул килгани ва кўллаб-кувватлаётгани олдимизга кўйган максадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини хаётнинг ўзи тасдикламокда.
Биз халкимизнинг дунёда хеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, хеч шубхасиз, бекиёс ахамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, катъият ва масъулиятимизни йўкотсак, бу ўта мухим ишни ўз холига, ўзибўларчиликка ташлаб кўядиган бўлсак, мукаддас кадриятларимизга йўгрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-окибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараккиёт йўлидан четга чикиб колишимиз мумкин.
Эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида бундай машъум хатарларни неча бор кўрган, уларнинг жабрини тортган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар кандай хавф остида колганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаккатли йўлимиз барчамизга сабок бўлиши, бугунги вокеликни теран тахлил килиб, мавжуд тахдидларга нисбатан доимо огох бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўк. Бу хакикат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган.
Маълумки, биз бошимиздан кечирган собик мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлако йўл кўйилмаган. Аксинча, халкимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкурани хар кандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга харакат килинган. Шунинг учун хам истиклолнинг дастлабки кунлариданок бу сохадаги ахволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва хал килувчи вазифалардан бирига айланди.
Шу ўринда биз бу ўта мухим масалага кандай эътибор берганимиз ва уни боскичма-боскич хал килиб келаётганимиз хакида тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.
Жумладан, 1994 йили 22 сентябрда парламент минбаридан якин тарихимизда бошимиздан кечирган вокеалар, яъни, миллатимизнинг кадр-киммати, шаъни ва номуси поймол килингани, кўхна тарихимиз ва мукаддас кадриятларимиз топталгани хакида куйидаги дардли-изтиробли фикрлар билдирилган ва баъзи бир гоят кийин, аммо

табиий саволлар ўртага ташланган эди:
«- Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?
- Такдиримиз, эркимиз кимларнинг кўлида эди?
- Каъба деб каерга сигинар эдик? Хар тонг «Ассалом!..» деган мадхия оханглари остида кимларга куллук килиб уйгонардик?
- Тилимиз, динимиз кай ахволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Бахоуддин Накшбандларнинг мукаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошка улуг бобокалонларимизнинг буюк номлари кайси тупрокларда коришиб ётган эди?
- Миллий гururимиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз кандай тушунчаларга алмаштирилган эди?
- Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Кандай мўътабар замин, улуг аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озикланган элнинг фарзандлари эканимизни англармидик?
- Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров биз билан хисоблашармиди?
- Юртимиз кандай ва канча бекиёс бойликлар хазинаси эканидан кай биримиз хабардор эдик?
- Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, хакикатда миллий гурур ўрнига бўйинтурук бўлиб, халкимизни ялангоёк килишдан, бошимизга азоб-укубат, таъна-маломатдан бошка нима келтирарди?»
Дархакикат, якин тарихда халкимиз ўз бошидан кечирган бундай азоб-укубатларни, такдиримиз жар ёкасида турган машъум кунларни унутишга бизнинг асло хаккимиз йўк. Ўтган давр мобайнида эски тузумдан огир мерос бўлиб колган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик холатларига бархам бериш, кўхна кадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, хаётимизда тарихий адолатни карор топтириш, янги жамият куриш йўлида халкимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга кўйган олижаноб максадларга етишда хал килувчи мезон деб караш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун хам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим.
Шуни мамнуният билан кайд этиш лозимки, эзгу фазилат ва интилишлар халкимизнинг кон-кони ва суяк-суягига сингиб кетган. Унинг табиатига хос бўлган юксак маънавият неча асрларки бизни не-не бало-казолардан, тўфон ва бўронлардан сог-омон асраб келмокда. Хар кандай боскин ва истилоларга карамасдан, хар кандай огир ва мураккаб шароитда хам ота-боболаримиз ўзлигини йўкотмасдан, маънавий хаёт мезонлари, одоб-ахлок коидаларига амал килиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун хам барчамизга ибрат бўлиб, куч-кувват багишлаб келмокда.
Маълумки, хар кайси халк ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий карашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб колмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аник тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини хаммамиз яхши биламиз.
Масалан, Шарк оламида, жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйгуси гоят мухим ахамият касб этади ва одамларни бир-бирига якинлаштиришга, бир-бирини кўллаб-кувватлаб хаёт кечиришга замин тугдиради. Шу маънода, халкимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошкаларга хеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафакат ўзаро муомала, балки

хаётимизнинг узвий бир кисми сифатида намоён бўладиган бир катор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз.
Мисол учун, тилимиздаги мехр-окибат, мехр-мухаббат, мехр-шафкат, кадр-киммат деган, бир-бирини чукур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Канчалик галати туюлмасин, бу ибораларни бошка тилларга айнан таржима килишнинг ўзи мушкул бир муаммо.
Шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, кулокка хуш ёкадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёкараши, маънавий хаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чукур жой олган буюк кадриятларнинг амалий ифодасидир.
Масалан, эзгу одатимизга айланиб кетган мехр-окибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, кўшнининг кўшни билан, кариндошнинг кариндош, оиланинг оила билан, энг мухими, шахснинг жамият билан уйгун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидкидилдан, бегараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халкимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини хеч ким инкор эта олмайди.
Шарк халклари ва юртимиз ахлига мансуб шундай белги-аломатлар хакида гапирганда, уларнинг тарихий-ижтимоий заминига алохида эътибор каратиш лозим, деб ўйлайман. Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё худудида ахоли азалдан водийларда, катта сув манбалари - дарё ва анхорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва сахролар билан ўралган, табиати, иклими гоят мураккаб бўлган минтака шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, якин елкадош бўлиб, бир-бирининг огирини енгил килиб яшашини такозо этиб келади.
Чиндан хам, бу заминда истикомат киладиган одамларнинг таркок бўлиб яшашга имкони йўк, табиатнинг ўзи, хаётнинг ўзи уларни шу рухда тарбиялаган. Турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас кисмига айланиб кетган мана шундай азалий тушунчалар минтакамизда яшаб ўтган улуг алломалар, мутафаккир зотларнинг колдирган бебахо меросида хам ўзининг ёркин ифодасини топган. Мисол учун, Алишер Навоий бобомиз бўладими, Рудакий, Абай, Махтумкули ёки Тўктагул каби улуг зотлар бўладими, уларнинг барчаси ўз ижоди билан нафакат икки дарё оралигидаги халкларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо мехр-окибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этгани бежиз эмас, албатта.
Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоён минтакада кандай хамжихат бўлиб, кандай кадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун хам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва хаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни - бутун Ўрта Осиё халкларини айнан ана шундай дўстлик ва хамкорлик рухида хаёт кечиришга даъват этмокда.
Бир сўз билан айтганда, тарихий вокеликка мана шундай караш, жамулжам бўлиб яшаш туйгуси биз учун хаёт фалсафасига, яна хам аникроги, хаёт коидасига айланиб кетган. Замонавий тилда айтадиган бўлсак, бу миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этадиган, бизни бошкалардан ажратиб турадиган шундай бир хусусиятки, уни сезмаслик, англамаслик, кўрмаслик умуман мумкин эмас.
Гарб оламида эса одамларнинг хаёт тарзида жамоавийликдан кўра индивидуализм, шахсий манфаат тамойиллари устунлик килишини кузатиш мумкин. Бу хам муайян, объектив ижтимоий-тарихий омиллар туфайли шаклланган вокелик бўлиб, уни хам инкор этиб бўлмайди.

Албатта, Ўрта Осиё мухитида жамоа, махалла бўлиб, бир-бирига мехр-окибатли бўлиб яшайдиган инсонлар, давр канчалик ўзгармасин, тарих синовидан ўтган ўз кадриятларига содик бўлиб яшашни маъкул кўрар экан, буни замонавий фикрлайдиган, дунёга теран назар ташлайдиган одам тўгри тушуниши, тан олиши ва уни хурмат билан кабул килиши лозим.
Минг афсуски, мана шундай тарихий хакикатни англамайдиган ёки англашни истамайдиган чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар нафакат сиёсат ёки иктисодиёт, балки маънавият бобида хам бизга акл ўргатишга, азалий хаёт тарзимиз, рухий дунёмизга ёт бўлган карашларни мажбуран жорий этишга уринмокда.
Бундай кучларнинг гаразли муносабати аввало бой ва кадимий маънавиятимизга карши каратилгани, улар халкимизни ана шу бебахо бойликдан жудо килиш учун хар хил усул ва воситалар билан зўр бериб уринаётгани барчамизни ташвишлантирмасдан колмайди, албатта.
Нега деганда, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар кайси бир халк ёки мамлакатни ўзига тобе килиб, бўйсундирмокчи, унинг бойликларини эгалламокчи бўлса, авваламбор, уни куролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо килишга уринади. Бунинг тасдигини узок ва якин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яккол кўриш мумкин. Чунки хар кайси миллат ёки халкнинг маънавияти унинг бугунги хаёти ва такдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубхасиз хал килувчи ахамият касб этади.
Бинобарин, маънавиятга карши каратилган хар кандай тахдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соглом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-окибатда жамиятни инкирозга олиб келиши мумкин.
Кези келганда илгари айтган бир фикримни такрорламокчиман: бу дунёда табиатда хам, жамиятда хам бўшлик бўлмайди. Каердадир бўшлик пайдо бўлдими, хеч шубхасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга харакат килади.
Хозирги кунда ким кўп - ана шундай маънавий бўшликни тўлдиришга уринадиган, шунинг хисобидан ўзининг гаразли максадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Минг афсуски, бу кучларнинг асл киёфаси, максад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аник-равшан тасаввур килиш осон эмас. Нега деганда, улар кўпинча турли никоблар, жозибали шиор ва гоялар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узок ва давомли ёвуз максадларига хизмат килмокда.
Бугунги кунда дунёнинг айрим худудларида ана шундай харакатлар натижасида катта маънавий йўкотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий кадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чикаётгани, ахлок-одоб, оила ва жамият хаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида колаётганини кузатиш мумкин.
Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард окибати одамни ўзи тугилиб ўсган юрти ва халкидан тонишга, ватанпарварлик туйгуларидан махрум этишга ва хамма нарсага локайд бўлган шахсга айлантиришга каратилганида намоён бўлмокда.
Шунинг учун хам - бу Шарк ёки Гарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё китъаси бўладими - жахоннинг кайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга карши кандайдир тахдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истикболини ўйлаб яшайдиган хар бир онгли инсон, хар бир халк ташвишга тушиши табиий, албатта.

Бу хакда гапирганда, факат битта миллат ёки халк хакида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлур эди. Яъни, бу ўринда сўз факат бизнинг маънавиятимизга карши каратилган тажовузлар хакида, азалий фазилатларимиз, миллий кадриятларимизни ана шундай хужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўк. Мухим ижтимоий-сиёсий ахамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг микёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халклари хаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, тахлил килиш ва бахолаш максадга мувофикдир.
Маънавий тахдид деганда, аввало, тили, дини, эътикодидан катъи назар, хар кайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига карши каратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чикариш максадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.
Агарки масалага амалий кўз билан карайдиган бўлсак, маънавиятимизга карши каратилган хар кандай хуруж - бу миллатимизни миллат киладиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий гурур, миллий ифтихор туйгусига, бизни доимий равишда тадрижий тараккиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон хаёт барпо этишдек эзгу максадларимизга катта зарба берадиган мудхиш хавф-хатарларни англатади.
Лўнда килиб айтадиган бўлсак, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз максадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соглом фикрли хар бир одам яхши тушунади.
Бундай тажовузкорона харакатлар бизлар учун мутлако бегона мафкура ва дунёкарашни аввало бегубор ёшларимизнинг калби ва онгига сингдиришга каратилгани билан айникса хатарлидир. Бундай холатларга дуч келганда, умрида мамлакатимизга кадам кўймаган, Ўзбекистонни хатто харитадан хам кўрсатиб беролмайдиган, лекин ўзини мутлак хакикатнинг ягона ифодачиси деб хисоблайдиган кимсаларнинг енгил-елпи фикрларини эшитганда, уларга карата беихтиёр, э, барака топкур, олдин юртимизга бир келиб кўринг, тарихимиз, маънавиятимиз, хаёт тарзимиз билан танишиб, ундан кейин гапиринг, деб айтгингиз келади.
Хакикат ва холисликдан йирок бўлган, факат гаразли сиёсий манфаатларни кўзлайдиган бундай карашлар хеч кимга наф келтирмайди ва хеч кимнинг обрўсига обрў кўшмайди, албатта.
Агарки биз бундай хатарларга карши ўз вактида катъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли окимлар бизнинг юртимизга хам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, окибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, факат бир кунлик хаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб колиши мумкинлигини тасаввур килиш кийин эмас. Мана шу аччик хакикатни юртимиздаги хар бир инсон, хар кайси ота-она, энг мухими, хар кайси йигит-киз чукур англаб олишини истардим.
Такрор айтишга тўгри келади - ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўкотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур.
Ўйлайманки, тарихда кўп-кўп синов ва машаккатларни кўрган, азиз фарзандининг бахти ва келажагини ўз хаётининг маъно-мазмуни деб биладиган халкимиз бундай хатарларнинг машъум окибатларини яхши англайди.
Хулоса килиб айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли

одамгина инсон кадрини билиши, ўз миллий кадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустакил давлатимизнинг жахон хамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин.
Нафакат давлат рахбари, авваламбор, буюк тарих, маданият ва маънавият эгаси бўлган халкимизнинг бир фарзанди сифатида, ана шу бебахо бойликни асраб-авайлаш, уни хар хил ошкора ва пинхона хужумлардан химоя килиш хакида кайгурадиган бир инсон сифатида юкорида зикр этилган ўта мухим ва ўта нозик бу масалалар мени хам кўпдан буён ўйлантириб келади.
Ушбу китоб инсоннинг юксалишида маънавият оламининг кандай таъсир ва ахамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга карши каратилган хуружларнинг реал хавфи хакида атрофлича фикр юритиш, халкимиз янги хаёт, янги жамият асосларини кураётган хозирги мураккаб ва тахликали замонда одамларни бундай хатарлардан огох этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор каратиш, келажак авлодимизни маънавий соглом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боглик вазифаларни аник белгилаб олиш борасидаги хаётий эхтиёж махсули сифатида дунёга келди.
Агарки мендан, хозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима килиш лозим ва унга тахдид соладиган хуружларга нимани карши кўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган хар кайси инсон ўзлигини англаши, кадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чукуррок ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган хаёт вокелигига онгли караб, мустакил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйгуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим. Ишончим комилки, ана шундай ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халк хеч кимга хеч качон карам бўлмайди, ўзининг эзгу максадларига албатта етади.

## Биринчи боб
## Маънавият - инсоннинг улгайиш ва куч-кудрат манбаидир Маънавиятни англаш

Биз одатда маънавият хакида, унинг маъно-мазмуни, хаётимиздаги ўрни ва ахамияти хакида кўп гапирамиз. Лекин негадир аксарият холларда кўпчилик маънавият ўзи нима, деган саволга аник ва лўнда жавоб беришга кийналади.
Мен бундай холатга ўз шахсий тажрибамда кўп бор гувох бўлганман. Масъул рахбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган сухбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, хаётий тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бир каторда маънавий савиясига хам алохида эътибор кaратаман. Ва кўп холларда, маънавият хакида бериладиган саволларга хар хил, баъзан эса бир-бирига карама-карши, кандайдир ноаник, саёз жавобларни хам эшитишга тўгри келади.
Албатта, «маънавият» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чукур ва кенг камровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага хар кайси маърифатли

инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий карашлари ва эътикоди, онгу тафаккуридан келиб чиккан холда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун хам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарк киладиган фикр-мулохазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни хар кайси муаллифнинг ўзига хос дунёкараши, мушохада тарзи ифодаси сифатида кабул килиш ўринлидир.
Шу нуктаи назардан караганда, кейинги йилларда бу мавзуда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий рисолалар, ўкув кўлланмалари, лугатларда «маънавият» тушунчаси ва унинг асосий тамойилларига ўзига хос таърифлар берилаётганини кузатиш мумкин. Мен бу борадаги фикрларни инкор этмаган холда, «маънавият» тушунчасининг мазмуни факат «маъни», «маъно» деган сўзлар доирасида чегараланиб колмайди, деб ўйлайман. Нега деганда, инсонни инсон киладиган, унинг онги ва рухияти билан чамбарчас богланган бу тушунча хар кайси одам, жамият, миллат ва халк хаётида хеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алохида ўрин тутади.
Шу фикрни мантикий давом эттириб, маънавият - инсонни рухан покланиш, калбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бакувват, иймон-эътикодини бутун киладиган, виждонини уйготадиган бекиёс куч, унинг барча карашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги хаётимизда хар томонлама ўз тасдигини топиб бораётган хакикатни яккол ифода этган бўламиз.
Менинг назаримда, «маънавият» тушунчаси жамият хаётидаги гоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлокий карашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун хам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур карашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси оркали ифода этиш мумкин.
Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсоннинг рухий покланиши ва калбан улгайиши хакида гапирар эканмиз, бир масалага алохида эътибор беришимиз лозим.
Албатта, бу дунёда халол ва пок яшашни ўзи учун хаётий эътикод, олий максад деб биладиган одамлар кўпчиликни ташкил килади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруг оламда маънавият хамиша баркарор бўлиб келади.
Лекин, бундай олижаноб фазилатлардан бутунлай узок бўлиб яшайдиган, хаётнинг маъно-мазмунини ўзича талкин киладиган шахслар хам оз эмас. Минг афсуски, улар ўзини худдики дунёнинг хакикий эгасидек, бекаму кўст, бошкаларнинг хавасини тортадиган умр кечираётгандек, бахт куши бошига кўнгандек хис килишга уринади.
Табиийки, бундай холатларни кўриб-кузатиб, ўзи учун эзгу ниятларни юксак максад килиб кўйган инсонлар калбида кандайдир иккиланиш ва шубха пайдо бўлиши мумкин. Одамларни ўйлантириб кўядиган бундай холатлар хаётда кўп учрайди. Бунга кандай изох бериш мумкин?
Хаммамизга маълумки, мукаддас китобларимиз ва кадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо халол мехнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чакиради, лекин, шу билан бирга, хаётда бу каби даъватларга амал килишга интиладиган одам кўпинча турли кийинчиликлар, хатто азобу укубатларга дуч келишини кузатиш кийин эмас. Тан олиш керакки, юксак маънавий тушунчалар билан яшашга харакат киладиган одамнинг бугун хам кўп машаккатларни, огир синов ва тўсиклар, муаммоларни енгиб ўтишига тўгри келади.
Агарки эътибор берсак, тилимизда халоллик ва нопоклик хакидаги ибратли хикматлар билан бирга, «Йўлини топибдими, кандини урсин», «Узумини енг-у, богини

суриштирманг» деган маколлар хам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Албатта, бундай макол-маталлар бежиз пайдо бўлмаган, улар хам маълум бир хакикатнинг ифодаси. Бинобарин, биз хаётнинг маъно-мазмунини шундай тушуниб, шу асосда яшашга интиладиган кишилар хам борлигини инкор этолмаймиз.
Лекин, менинг назаримда, бундай гаплар одамнинг бойлик ва мол-дунёни кандай йўллар билан топаётганига локайд ва бепарво карайдиган, манфаатпараст шахслар томонидан тўкиб чикарилгандек туюлади. Уларнинг фикрича, инсон ўз бойлигини пешона тери тўкиб, Оллох берган акл-идрок ва тафаккурини ишлатиб топяптими ёки кингир-кийшик, харом-хариш йўллар билан орттиряптими - бу гўёки хеч кимни кизиктирмаслиги керак.
Шу боис биз маънавият хакида фикр юритар эканмиз, бу масалани атрофлича ва чукур тахлил этишимиз, унинг факат ўзимизга маъкул, ижобий томонлари билан чекланиб колмасдан, ана шундай мураккаб жихатларини хам назардан четда колдирмаслигимиз лозим.
Лўнда килиб айтганда, бу ўринда гап бир-бирига карама-карши бўлган, бир-бирини инкор киладиган икки хил хаётий караш хакида бормокда.
Биринчиси - ўз нонини халол мехнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафакат бугунги хаёт лаззатлари, балки охират хакида, унинг обод бўлиши хакида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос хаётий карашлар.
Иккинчиси - бунга мутлако карама-карши бўлган ёндашув, яъни, хаётнинг маъно-мазмуни хакида бош котирмасдан, бундай саволлар билан ўзини кийнамасдан, факат нафс кайгуси ва ўткинчи хою хавасга, хузур-халоватга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарк бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-карашлари.
Мана шундай икки хил дунёкараш асосида пайдо бўладиган огир саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён уни ўйлантириб, кийнаб келади. Хаёт мохиятини англаб етишга ўз умри, билим ва салохиятини багишлаган не-не буюк зотлар, мутафаккир файласуфлар, аллома ва азиз-авлиёлар - миллати, тили ва динидан катъи назар - шу каби мураккаб муаммоларга жавоб топиш учун изланган, бу мавзуда канча-канча асарлар яратган. Лекин бу савол бугунги кунда хам хануз ўткир ва долзарб бўлиб колаётганини инкор этиб бўлмайди.
Барчамизга маълумки, Оллохнинг ўзи инсон зотини вужудга келтирар экан, уни турли киёфада, нафакат юз-кўзи, балки феъл-атворини хам бир-бирига ўхшамайдиган килиб яратган. Ер юзида канча инсон яшайдиган бўлса, бармогининг изи хам, ички дунёси хам бир хил бўлган иккита одамни топиш, учратиш кийин. Табиийки, бу инсонларнинг фикрлаш ва яшаш тарзи хам бир-биридан фарк килади. Таъбир жоиз бўлса, кимдир Рахмон измида юрса, кимдир Шайтон измида юради.
Шу хакикатнинг ўзи токи бу дунёда хаёт бор экан, турфа хил одамлар ва уларнинг онгу тафаккуридаги ўзаро тафовут ва зиддиятлар сакланиб колаверишини кўрсатади. Айнан ана шундай турли дунёкарашлар, бир-бирини инкор этадиган оким ва йўналишлар мавжудлигини табиий бир хол деб кабул килишни хаёт вокелигининг ўзи талаб этади. Шуни таъкидлаш керакки, биз бу хакда гапирганда, аввало онгли яшайдиган, мантикий фикрлашга кодир бўлган, ўз карашларининг маъно-мазмунини хар томонлама асослаб, исботлаб бера оладиган одамларни назарда тутамиз.
Масалага шу нуктаи назардан ёндашганда, ана шундай бир-бирини инкор этадиган дунёкарашларни инобатга оладиган бўлсак, буларнинг ўзи тегишли хулосаларга олиб

келиши мукаррар. Яъни, ўз пешона тери билан халол турмуш кечирадиган инсон хаётидан мамнун ва рози бўлиб, калби ва юраги осойишта, виждони пок, рухий олами баркарор бўлиб, элнинг хурматини козониб яшайди. Иккинчи томондан, бу дунёда енгил-елпи, хар хил нопок йўлларга берилиб, инсоний бурчини унутиб, мол-дунёга интилиб яшаган одам, энг ачинарлиси шуки, хаётининг сўнгида армон ва надоматларга ботиб ўз умрини тугатади.
Доно халкимиз, гараз ва хасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар хисобидан эришишни маъкул кўрадиган, факат ўзини ўйлайдиган кимсадан ўзи асрасин, дейди. Багрикенг, халол-пок, виждонли, мехр-окибатли, эл-юртнинг гаму ташвиши билан яшайдиган кишиларни эса, аксинча, бошига кўтаради ва бундай одамлар жамият томонидан кадр-киммат, хурмат-эътибор топади.
Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боглик турли холатлар хакида кўп гапириш мумкин. Лекин, мухтасар килиб айтганда, Оллохнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, халоллик ва адолат билан хаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафакат чукур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал килиб яшаш - одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, хеч кандай хато бўлмайди. Ўйлайманки, бундай хулосани инсоният ўз онгли хаёти давомида доимо орзу килиб, интилиб келган юксак маънавий идеалнинг фалсафий ифодаси, мантикий натижаси сифатида кабул килиш ўринлидир.
Маънавиятнинг яна бир мухим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бакувват, иймон-эътикодини бутун килишида ёркин намоён бўлади.
Узокка бормасдан, халкимиз ўз бошидан кечирган мустамлака даврини бир кўз олдимизга келтирайлик. Карийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънодаги кора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг кудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шахар ва кишлоклари билан дунёни хайратда колдирган эл-юртимиз кандай огир машаккатларга дучор бўлганини яхши биламиз. Лекин ана шундай дахшатли даврда хам хар кандай зулм ва истибдодга карамасдан, халкимиз ўзини, ўзлигини йўкотмади. Тилини ва динини, иймон-эътикодини саклаб колди. Нохаклик ва зўравонлик хукмрон бўлган шундай замонларда хам юртимиздан миллат ва халк кайгуси билан яшаган хакикий ватанпарвар инсонлар етишиб чикди. Халкимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустахкам иродаси, иймон-эътикоди нафакат кадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлигимизни саклаб колишга асос бўлди.
Агар биз дунё тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бошка халклар хам озодлик ва мустакилликни кўлга киритиш, миллий тикланиш, ўз давлатчилигини, хавас килса арзийдиган фукаролик жамиятини мустахкамлаш жараёнида ана шундай фазилатларга таяниб ва суяниб, барча сохаларда - бу иктисодиёт ёки ижтимоий хаёт бўладими, маданият, таълим-тарбия ва илм-фан бўладими - ўзининг бекиёс ички кобилият ва салохиятини ишга солиш, уни рўёбга чикариш хисобидан тараккиётга эришганини кўрамиз.
Масалан, Япония ёки Жанубий Кореяни олайлик. Бу мамлакатларнинг Иккинчи жахон урушидан кейин кандай огир ахволга тушиб колганини хаммамиз яхши биламиз. Хўш, улар ниманинг эвазига киска давр ичида бу кадар ривожланишга эриша олди? Ахир, бу ўлкаларда мўл-кўл табиий хомашё манбалари, минерал ресурслар деярли йўк-ку! Албатта, бу борада ўша пайтда дунёда мавжуд бўлган сиёсий омиллар, халкаро вазиятнинг таъсирини инкор этиб бўлмайди. Лекин япон ва корейс халки асрлар

давомида шаклланиб, катта бунёдкор кучга айланган ўзига хос миллий маънавияти хисобидан хам ривожлангани бугунги кунда хеч кимга сир эмас. Шунинг учун «япон мўъжизаси» ёки «корейс мўъжизаси» хакида гап кетганда, таникли эксперт ва мутахассислар хам биринчи галда «япон характери», «корейс табиати» деган ибораларни тилга олади. Табиийки, улар бу ўринда аввало мазкур халкларга мансуб маънавий фазилатларни назарда тутади. Яъни, бу халкларнинг ички дунёси ва иродаси маънавият негизида янада тобланган, камолга етган.
Бундай хулосанинг тасдигини нафакат мазкур икки давлат, балки бошка мамлакат ва халклар мисолида хам кўриш кийин эмас.
Виждон поклиги ва бедорлиги асрлар, замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмокда. Жамият хаётида адолат ва хакикат, мехр-шафкат, инсофу диёнат каби тушунчаларни карор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Виждони уйгок одам ён-атрофида бўлаётган вокеаларга, ёрдам ва кўмакка мухтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарк карай олмайди. Айникса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-харакатларга хеч качон четдан жим караб туролмайди, ўз юрти ва халкига нисбатан хиёнат ва соткинликни асло кабул килолмайди. Бундай холатларни кўрганда виждони кийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, кандай килиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда хатто жонини хам фидо килади.
Чиндан хам, агар одамзот бу дунёда рухан пок бўлиб, иродаси бакувват, иймони бутун, виждони уйгок бўлиб яшамас экан, инсон хаётининг кандай маъноси колади?
Мана шу савол хар бир соглом фикрлайдиган одамни хамиша ўйлантириши, сергакликка чорлаб туриши зарур.
Бундай эзгу максадларга эса, факат юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия оркалигина эришиш мумкин.
Маънавият инсоннинг кон-кони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйгуси, бу хаётнинг баъзида аччик, баъзида кувончли сабоклари билан катра-катра бўлиб сингиб боради. Айникса, табиатга, одамларга якинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, халол мехнат килиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан бахраманд бўлиш маънавиятга озик беради, уни янада кучайтиради.
Жахон халклари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабок ва хулосалар шундан далолат берадики, каерда давлат ва жамият тараккий топса, халкнинг тинч-осойишта хаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк максадлар кўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш мухити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар тугилади.
Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият - инсоннинг, халкнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-кудрат манбаи эканини, бу хаётда маънавиятсиз хеч качон одамийлик ва мехр-окибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яккол тасдиклайди.
Ўйлайманки, ер юзида канча инсон, канча такдир бўлса, хар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун хам ўзлигини, инсоний кадр-кимматини англаб етган хар кандай одам бу хакда ўйламасдан яшашини тасаввур килиш кийин.

## Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар

Биз миллий маънавиятни хар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа килиб кўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чукур тахлил килиб, уларнинг бу борада кандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз максадга мувофик бўлади.
Албатта, хар кайси халк ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, хаётий кадриятларидан айри холда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг мухим омиллардан бири бўлиб хизмат килади.
Бизнинг кадимий ва гўзал диёримиз нафакат Шарк, балки жахон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халкаро жамоатчилик тан олмокда ва эътироф этмокда.
Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиккани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий кисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айникса, ислом дини билан боглик билимларнинг тарихан энг юкори боскичга кўтарилишида она юртимизда тугилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор багишлайди.
Бу кўхна тупрокда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин курилган мураккаб сув иншоотлари, хали-хануз ўзининг кўрку тароватини саклаб келаётган осори атикаларимиз кадим-кадимдан ўлкамизда дехкончилик ва хунармандчилик маданияти, меъморлик ва шахарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради.
Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжахон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани хам бу фикрни тасдиклайди.
Аждодларимиз тафаккури ва дахоси билан яратилган энг кадимги тошёзув ва битиклар, халк огзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сакланаётган минг-минглаб кўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлок, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, дехкончилик ва бошка сохаларга оид кимматбахо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.
Бунчалик катта меросга эга бўлган халк дунёда камдан-кам топилади.
Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган хаётий тажрибаси, диний, ахлокий, илмий, адабий карашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан карийб уч минг йил мукаддам Хоразм вохаси худудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебахо маънавий обида алохида ўрин тутади. Аваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг акл-заковати, калб кўри махсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, канчадан-канча огир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атикалар бу кўхна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупрокда кадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувохлик беради.
Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан якиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва гоялар, хаёт фалсафаси бизни бугун хам хайратда колдиришига яна бир карра амин бўламиз.
Мисол учун, «Авесто»нинг туб маъно-мохиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу

сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда хозирги замон учун хам бехад ибратли бўлган сабоклар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият хаётининг устувор гояси сифатида талкин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан накадар узвий боглик, нечоглик мустахкам хаётий асосга эга экани айникса эътиборлидир.
«Авесто»да борликнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон хаётининг табиат билан уйгунлиги масаласи одамнинг рухий оламига чамбарчас боглик холда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу холат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-мухит кадим замонлардан буён кандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб килади.
Маълумки, бу дунёда хар кайси миллатнинг ўз афсонавий кахрамонлари, ўзи севиб ардоклайдиган пахлавонлари бўлади. Халкимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илохий кудратга муносиб бўлмокка интилиб, ўз ўглонларини мардлик ва халоллик, жасурлик рухида, эл-юрт учун жонини хам аямайдиган асл пахлавонлар этиб тарбиялаб келган.
Шу маънода, халк огзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган кахрамонлик кўшигидир. Агарки халкимизнинг кадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шох байти, десак, тўгри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, хаёт-мамот синовларидан омон чикиб, ўзлигини доимо саклаган эл-юртимизнинг багрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садокат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.
Шу боис «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабок беради. Одил ва хакгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўргонини кўриклашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг мукаддас мозорларини хар кандай тажовуздан химоя килишга ўргатади.
Бир пайтлар, аникроги, ўтган асрнинг 50-йилларида, миллий меросимизнинг кўпгина намуналари каби, «Алпомиш» достони хам миллатчилик рухидаги асар сифатида кораланиб, катагонга учраган эди. Ўша огир йилларда фидойи зиёлиларимиз жасорат кўрсатиб, уни саклаб колишга муваффак бўлганликларини бугун миннатдорлик билан эслаймиз.
Бу ўлмас асарни халкимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-эътикодидек асраб-авайлаган, канча авлод-аждодларимиз «Алпомиш» достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, халкимиз бор экан, Алпомиш сиймоси хам бархаёт.
Чунки «Алпомиш» достони ижодий тафаккуримиз, маънавий бойлигимизнинг ёркин намунаси бўлиб, тарихий илдизларимизнинг канчалик чукур экани, халкимиз кандай табиий-ижтимоий мухитда шаклланиб, ривожланганини, аждодларимизнинг олис даврларда хам жамоа бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз бошига тушган кийинчиликларни биргаликда енгиб яшаганини ёркин бўёкларда тасвирлаб беради.
Шу ўринда асардаги кичик бир мисолга мурожаат килайлик. Ота-боболаримизнинг кадимий тасаввурига кўра, ўк-ёй - хокимият нишони хисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон биричдан - бронзадан ясалган ёйдан ўк отиб, «алп» деган унвонга эга бўлади. Алп дегани - хокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига хам ишонч хосил киламиз.
Бир сўз билан айтганда, халкимизнинг енгилмас баходири - Алпомиш тимсолида биз

Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-казолардан асрашга кодир, керак бўлса, бу йўлда жонини хам фидо килишга тайёр бўлган азамат ўглонларимиз - бугунги алпомишларнинг маънавий киёфасини кўрамиз.
Ишонаманки, хар бир авлод мана шу кахрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказади. Бу кахрамонлик эпосини куйлаб, уни калбига, шуурига жо килган миллатни эса хеч кандай куч енга олмайди.
Миллий маънавиятимиз азалдан кандай омил ва мезонлар негизида шаклланиб келаётгани халкимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам - шаркона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида айникса ёркин намоён бўлади.
Барчамиз доимо орзикиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун хаёт абадийлиги, табиатнинг устувор кудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий киёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмокда.
Мухтасар килиб айтганда, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халкимизга мансуб одамийлик, мехр-окибат, мурувват ва химмат каби юксак хусусиятлардан озикланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида кандай буюк умуминсоний гоялардан бахраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдигидир, десак, хеч кандай хато бўлмайди.
Кўхна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, тахлил киладиган бўлсак, мухим ва ибратли бир фикрни такроран айтишга тўгри келади. Яъни, ота-боболаримиз рухий оламининг томир-илдизлари айнан юкорида зикр этилган маънавий заминда, тарихда хам, бугун хам барчанинг хавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар асосида шаклланган.
Шу ўринда маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боглик бўлган яна бир мезон - мукаддас динимиз хакида алохида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.
Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий кисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, хак ва хакикат, инсоф ва адолат тўгрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни баркарор коидалар шаклида мустахкамлаб келаётган гоя ва карашларнинг яхлит бир тизимидир.
Айникса, кўп асрлар мобайнида халкимиз калбидан чукур жой олиб, хаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол саклашда мукаддас динимиз кудратли омил бўлиб келаётганини алохида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, мехр-окибат, халоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, мехр-шафкат сингари халкимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади.
Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда кизикиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихох ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани хеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби мукаддас динимизнинг хакконийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва багрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, хаёт синовларида ўзини оклаган кадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги бекиёс ўрни ва ахамияти билан боглик. Ва халкимизнинг маънавиятини шакллантиришга, хар кайси инсоннинг Оллох мархамат килган бу хаётда тўгри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, рухий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошка хеч кандай куч билан киёслаб бўлмайди, деб ўйлайман.
Шу нуктаи назардан караганда, мукаддас ислом динимизни пок саклаш, уни турли хил гаразли хуруж ва хамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан химоя килиш, унинг асл

мохиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўгри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу гояларини кенг тарғиб этиш вазифаси хамон долзарб бўлиб колмокда.
Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний акидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарклай олмаслик ёки гаразли максадда уларни тенг кўйиш каби холатлар хам кўзга ташланмокда. Шу билан бирга, ислом динини никоб килиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар хали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок максадлари йўлида фойдаланмокда. Бундай ножўя харакатлар аввало мукаддас динимизнинг шаънига дог бўлишини, охир-окибатда эса маънавий хаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чукур англаб олишимиз ва шундан хулоса чикаришимиз зарур.
Маълумки, халкимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига бекиёс хисса кўшиб келади. Бу хакикатни жахон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халкаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - АЙСЕСКО томонидан Тошкент шахрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон килингани хам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдигидир.
Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнак топтиришга кўшган бетакрор хиссаси тўгрисида сўз юритганда, энг аввало, хакли равишда мусулмон оламида «мухаддислар султони» дея улкан шухрат козонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини хурмат-эхтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли хадислар тўплами - «Ал-жомеъ ас-сахих» китоби ислом динида Куръони каримдан кейинги иккинчи мукаддас манба бўлиб, ахли ислом эътикодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуги хисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар калбини иймон нури билан мунаввар этиб, хак ва диёнат йўлига чорлаб келмокда.
Яна бир улуг ватандошимиз - Абу Исо Мухаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, «Сунани Термизий» асари хам мусулмон оламида ана шундай юксак кадрланади. Алломанинг асрлар давомида олиму фузалоларга дастур бўлиб келган инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи гоялари хозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлокий-маънавий масалаларини хал этишда хам мухим ахамият касб этиши билан эътиборга моликдир.
Манбаларнинг гувохлик беришича, Имом Бухорий вафот этган йили, яъни милодий 870 йили тарихимиздаги яна бир мумтоз сиймо - Имом Мотуридий таваллуд топган экан. Бу вокеа замирида шахсан менга илохий бир богликлик, Оллохнинг буюк мархамати бордек, бамисоли Имом Бухорийнинг нурли каламини Имом Мотуридий олиб, ул зотнинг хайрли ишларини давом эттиришга бел боглагандек туюлади. Имом Мотуридий бобомизнинг ўрта асрлардаги гоят хатарли ва тахликали бир вазиятда ўз хаётини хавф остига кўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида «Мусулмонларнинг эътикодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан акл-заковати ва матонатидан далолат беради.
Ул зот асос солган мотуридия мактаби Шарк мамлакатларида бундай катта шухрат топишининг сабаби шундаки, унда илгари сурилган гоялар ислом динимизнинг асосини тўгрилик, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг караш ва интилишлари билан хамохангэди.
Ўзининг бекиёс салохияти билан буюк илмий мактаб яратиб, гўзал

Фаргона диёрини жахонга тараннум этган ислом хукукшунослигининг яна бир улкан намояндаси Бурхониддин Маргинонийнинг табаррук номини бутун мусулмон дунёси юз йиллар давомида эъзозлаб келади. Бу мўътабар алломанинг Шарк оламида «Бурхониддин ва милла», яъни «Дин ва миллатнинг хужжати» деган юксак унвонга сазовор бўлгани хам буни яккол исботлайди.
Маргинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, эллик етти китобдан иборат «Хидоя» - «Тўгри йўл» деб аталган асари, мана, саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал хукукий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани албатта бежиз эмас.
Бутун дунёга маълум ва машхур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз орасида Абдулхолик Гиждувоний ва Бахоуддин Накшбанднинг муборак сиймоси алохида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улуг авлиё Бахоуддин Накшбандга чин дилдан ихлос кўйиб, уни «Бахоуддини Балогардон» деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг «Дилинг Оллохда, кўлинг мехнатда бўлсин» деган хаётбахш хикмати динимизнинг олижаноб маъно-мохиятини ёркин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди.
Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, хар бир даврнинг долзарб масалаларига хар томонлама асосли илмий жавоблар топилган такдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошкача айтганда, хар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёкарашга турткиберади, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказади.
Шу нуктаи назардан караганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли хаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун хам жахон ахлини хайратга солаётганини гурур билан таъкидлаш лозим.
Масалан, Мухаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан сохасига жорий этгани ва шу асосда аник фанлар ривожи учун ўз вактида мустахкам асос яратгани умуминсоний тараккиёт ривожида кандай катта ахамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз. Бугунги кунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютукларини кўз олдимизга келтирар эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халкининг хам муносиб хиссаси борлигидан калбимиз ифтихорга тўлади.
Яна бир улуг аждодимиз - Ахмад Фаргоний инсоният тарихидаги илк Уйгониш даврининг энг забардаст ва кучли намояндаси, ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида башарият дунёкараши ва маънавиятининг ривожланишига бекиёс таъсир кўрсатди. Унинг бебахо мероси ўз даври олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат килгани тарихий манбалар оркали яхши маълум. Алломанинг «Астрономия асослари хакида китоб» номли асари ўн иккинчи асрдаёк лотин ва иврит тилларига таржима этилгани хам бу фикрнинг далилидир.
Европада Аль-Фраганус номи билан машхур бўлган бу алломанинг илм-фан ривожидаги нуфузи шу кадар юксак эдики, унинг исми шарифи ер куррасидагина эмас, балки самода хам шухрат топди. Ўн олтинчи асрда Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилгани бу фикрни исботлайди. Атокли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр килинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз - Ахмад Фаргоний ва Мирзо Улугбек номи билан аталади.
Миллий тарихимизнинг яна бир ёркин юлдузи Абу Райхон Беруний фаолиятига хакконий

бахо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни «Беруний асри» деб таърифлайди. Бундай юксак ва хакли бахо аввало комусий тафаккур сохиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараккиётига кўшган бекиёс хиссаси билан изохланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Беруний илмий масалаларда хам, тарихий вокеа-ходисаларга, ўз замондошларига бахо беришда хам ўта холислик ва хакконийлик билан фикр юритган. Шу боис хам у хаётда кўп азиятлар чеккан, хатто умрининг охирида турмуш кийинчиликларига дучор бўлган, аммо хар кандай огир шароитга карамасдан, эътикодидан кайтмагани унинг ўз маънавий идеалларига накадар содик бўлганидан далолат беради.
Ана шундай ноёб фазилатлар сохиби бўлмиш машхур аллома Ибн Синонинг «Тиб конунлари» асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўкув юртларида асосий тиббиёт дарсликларидан бири сифатида ўкитиб келингани, дунё микёсида «Медицина», «Соглом турмуш тарзи» деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат килгани, албатта, чукур хаётий ва илмий заминга эга. Аникрок килиб айтганда, бу беназир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараккиётини инсонпарварлик рухида, яъни, маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга барча асослар бор.
Ёки ўрта асрларда Хоразм диёридан олис Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиккан, илм-фаннинг кўплаб бошка сохаларида хам шухрат козонган Махмуд Замахшарий бобомизни эсга олайлик. Ўзининг жисмоний ногиронлигига карамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларига машаккатли сафарлар килган, теран билими ва илмий салохияти билан бутун ислом оламини лол колдирган бу зот, хеч шубхасиз, халкимиз учун маънавий етуклик тимсоли бўлиб колаверади.
Агарки мана шу мукаддас заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз хаёти ва фаолияти билан нафакат тарихда, айни вактда башариятнинг бугунги тараккиёт сахифаларида хам ўчмас из колдирган буюк мутафаккир ва алломаларимиз, азиз-авлиёларимизни таърифлашда давом этадиган бўлсак, ўйлайманки, бу борада узок гапириш мумкин.
Бизнинг ўз олдимизга кўйган максадимиз эса, бундай улуг зотларнинг хаёт йўли ва колдирган меросини тўлик тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби сохаларнинг барчасини ўзида уйгунлаштирган халкимизнинг маънавий олами накадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебахо бойликни хар томонлама чукур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун хам карз, хам фарз бўлиши шарт, деб хисоблайман. Нега деганда, ўзимиз - бугун шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммамизга олмасак, четдан келиб хеч ким хеч качон бу ишни килиб бермайди.
Шу ўринда буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритганда, Сохибкирон Амир Темур хакида алохида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан хам амалий, хам назарий мерос колдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.
Шахсан мен «Темур тузуклари»ни хар гал ўкир эканман, худдики ўзимга кандайдир рухий куч-кувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат килиб, ундаги хеч качон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун хам озик

бўладиган хикматли фикрларнинг канчалик хаётий эканига кўп бор ишонч хосил килганман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганким, азми катъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, локайд кишидан яхширокдир», деган сўзлар бугунги кунда хам маънавий жихатдан накадар долзарб ахамиятга эга экани барчамизга аён.
Амир Темур бобомизнинг бундай чукур маъноли хикматлари халкимизда кадимдан мавжуд бўлган «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йикар» деган маколга гоят хамоханг бўлиб, инсонни доимо акл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир.
Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир аллома Мирзо Улугбекнинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини хам хайратга солмасдан кўймайди. Такдир бу улуг зотнинг зиммасига бехад улкан ва машаккатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулиятли вазифа айнан унга насиб этди. Мирзо Улугбек карийб кирк йил мобайнида Мовароуннахр диёрининг донишманд хукмдори сифатида халкнинг азалий орзуси - тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараккий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди.
Бу беназир аллома ўзида минглаб юлдузларнинг харакатини жамлаган мукаммал астрономик жадвални яратди. Ушбу жадвалда зикр этилган илмий маълумотларнинг накадар аник ва тўгри эканини бугунги энг замонавий асбоблар хам тасдиклайди. Улугбекнинг хаёти ва илмий фаолияти халкимиз маънавиятининг пойдеворига кўйилган тамал тошларидан бири бўлиб, юртимизда бундан неча замонлар олдин фундаментал фанларни ривожлантиришга канчалик катта ахамият берилганини кўрсатади. «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номланган Улугбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима килиниб, Европа олимлари орасида кенг таркалгани фикримизнинг яккол исботидир.
Бу хакда сўз юритар эканмиз, беихтиёр 1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош котиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир сухбат ёдимга тушади. Ўшанда жаноб Майор Улугбекнинг илмий меросини юксак бахолаб, унинг юлдузлар харакатига оид хисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дакикага фарк килиши аникланди, деган гапни айтиб колди. Шунда мен унга жавобан, йўк, жаноб Федерико Майор, Улугбек хато килган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато килган бўлиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап дўстона лутф тарикасида айтилган бўлса-да, ўйлайманки, унинг замирида чукур хакикат мужассам.
Ўзбек халки маънавий дунёсининг шаклланишига гоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуг зотлардан яна бири - бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг бокийлиги, бадиий дахоси замон ва макон чегараларини билмаслиги хакида доимо фахрланиб сўз юритамиз.
Алишер Навоий халкимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум килган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўкки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садокат ва эътикод билан карамаса.
Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак,

мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.
Инсон калбининг кувончу кайгусини, эзгулик ва хаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жахон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига мухаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйгуси хам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебахо меросдан халкимизни, айникса, ёшларимизни канчалик кўп бахраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик кудратли маърифий куролга эга бўламиз.
Маълумки, бирон-бир халк маънавиятига хос кадриятларнинг бошка халклар томонидан тан олиниши, табиийки, ана шу халк тарихига нисбатан чукур хурмат ифодасидир. Бундай эътироф халкнинг гурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат килади.
Шу маънода, кейинги пайтда буюк аждодларимизнинг сўнмас дахосига хурмат-эхтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган кизикиш хорижий элларда хам ортиб бораётгани барчамизни кувонтиради.  Бунинг тасдигини дунёнинг турли мамлакатларида уларнинг хаёти ва фаолияти хакида эълон килинаётган илмий ва бадиий асарлар, улуг аждодларимиз хотирасига барпо этилаётган ёдгорликлар мисолида хам кўриш мумкин. Шулар каторида Бельгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улугбекка, Москва, Токио ва Боку шахарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Кохира шахрида эса Ахмад Фаргоний хотирасига ўрнатилган мухташам хайкалларни эслаш жоиз.
Халкимизнинг асл табиатида мавжуд бўлган ана шундай илмий-маънавий салохият ва фазилатлар хакида гапирар эканмиз, «Оккан дарё окаверади», деган накл беихтиёр ёдимизга тушади. Чиндан хам, тарихимизнинг кайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш хеч качон тўхтамаганини, халкимиз дахосининг ўлмас тимсоли сифатида энг огир ва мураккаб даврларда хам яккол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин.
Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат гоясини баланд кўтариб чиккан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёркин мисол бўла олади. Махмудхўжа Бехбудий, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Исхокхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Кодирий, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати, хузур-халоватидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараккий топтириш максадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди.
Ана шундай улуг аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси ва ибратли фаолияти кейинчалик диёримизда Кори Ниёзий ва Тошмухаммад Саримсоков, Хабиб Абдуллаев ва Саъди Сирожиддинов, Обид Содиков ва Собир Юнусов, Яхё Гуломов ва Бўрибой Ахмедов, Ойбек ва Гафур Гулом, Абдулла Каххор ва Зулфия, Саид Ахмад ва Озод Шарафиддинов, Лутфихоним Саримсокова ва Халима Носирова, Олим Хўжаев, Раззок Хамроев ва бошка кўплаб номлари дунёга танилган машхур илм-фан, адабиёт ва маданият арбобларининг етишиб чикишига мустахкам замин бўлиб хизмат килди.
Юкорида зикр этилган мисолларни умумлаштирган холда, мухим бир фикрни хулоса тарикасида таъкидлашни зарур, деб биламан. Гап шундаки, тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжудлиги - такроран айтишга тўгри келади - ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ходисадир. Бу эса нафакат бугунги, айни пайтда эртанги авлодларимизнинг хам маънавий бойлигига айланиб, халкимизга хеч нарса билан ўлчаб,

киёслаб бўлмайдиган рухий куч-кувват ва мадад бериши мукаррар.
Лекин айни пайтда, биз бир хакикатни хам яхши англаймизки, факат ўтмишга, аждодлар меросига махлиё бўлиб юришнинг ўзи билан узокка бориб бўлмайди.
Тарихимиз сахифалари шундан далолат берадики, юртимиз ривожи хамма замонларда хам бир текис кечмаган.
Айникса, темурийлар хукмронлигидан сўнг - яъни XVII асрдан XX асрнинг бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жахолат ва колоккликка юз тутди. Уч хонликка бўлиниб кетган минтака узок муддат ўзаро зиддият ва карама-киршиликлар, уруш-жанжаллар гирдобида колиб кетгани нафакат иктисодий, молиявий ва харбий салохият нуктаи назаридан, балки ижтимоий-маънавий фикр ривожида хам кўп салбий окибатларни келтириб чикаргани барчамизга яхши маълум.
Тарих гилдирагининг айланиши билан, авваламбор, юрт хукмдорлари ва амалдорлари халкнинг такдири ва келажаги хакида кайгуриш ўрнига, ўз шахсий манфаатларини хамма нарсадан устун кўйиб, жахолат ва гафлатга берилиб кетиши окибатида биз бугун яшаётган минтака умумбашарий тараккиёт жараёнларидан узилиб, ривожланишдан кескин оркада колиб кетди.
Ўзаро низо ва адоватларнинг кучайиши, факат ўз кобигига, умрини ўтаб бўлган акидаларга ўралашиб яшаш натижасида бир вактлар буюк маданият ва тараккиёт даврларини бошидан кечирган эл-юртимизнинг бу пайтга келиб кандай огир ахволга тушиб колганини ўзимизга тасаввур киладиган бўлсак, ўйлайманки, кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади.
Бу хаётнинг шафкатсиз бир конунияти бор. Яъни, тарихнинг мураккаб ва хал килувчи бурилиш палласида хар кандай миллат ва элат ўз ахиллиги ва бирдамлигини саклаб, ўз миллий манфаатлари йўлида катъият билан турмаса, масъулият ва хушёрлигини йўкотадиган бўлса, охир-окибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустакиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубхасиз.
Минг афсуски, ана шундай машъум кисмат Туркистон халкларини хам четлаб ўтмади: XIX асрдаги чоризм истилоси кўпгина сабаблар билан бир каторда авваламбор ўша пайтда мавжуд бўлган сиёсий бошбошдоклик, хукмрон кучларнинг узокни кўролмаслиги, маънавий заифлиги окибатида рўй берганини тарихий мисоллар исботлаб турибди. Бу аччик хакикат барчамизга, айникса, бугун хаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётган ёшларимизга доимо сабок бўлиши лозим.
Шу нуктаи назардан караганда, биз ўз тарихимизни холисона ва хакконий бахолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз хиссамизни кўшишимиз, шу асосда бугунги жахон илму фани ва маданиятининг юксак чўккиларини эгаллашдек буюк вазифага хар томонлама муносиб ва кодир бўлишимиз даркор.
Хар кайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, хеч шубхасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйгулари, илк хаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила багрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва карашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва мехр-окибат, ор-номус ва андиша каби мукаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида карор топиши табиийдир.
Шунинг учун хам айнан оила мухитида пайдо бўладиган ота-онага хурмат, уларнинг олдидаги умрбод карздорлик бурчини чукур англаш хар кайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий

оламини ташкил этади.
Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадкикотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.
Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг калбида оиладаги мухит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халкимизнинг «Куш уясида кўрганини килади», деган доно маколи, ўйлайманки, мана шу азалий хакикатни яккол акс эттиради.
Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, хар кайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос кобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини кандай хис килиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёкараши - буларнинг барчаси аввало унинг тугма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боглик эканини хаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиклаб беради.
Айнан мана шу даврда бола хамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг бегубор онги бамисоли босма когоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча вокеа-ходисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларни ўзига шимиб-сингдириб олади.
Унинг ота-онасига, бобо ва момоларига мехри ва хурмати, ўзини ўраб турган мухитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради.
Кискача айтганда, хонадондаги хар бир нарса - дарахт ва ўсимликлар бўладими, турли ўйинчоклар, уй хайвонлари бўладими - буларнинг барчаси боланинг кўзига гўёки оламнинг бекиёс мўъжизаси бўлиб кўринади ва шу тарика у ёруг дунёни ўзи учун кашф килади.
Таассуфки, баъзи ота-оналар ўз фарзандининг ана шундай кизикиши ва интилишларига, унинг онгу тафаккурида хар куни бир ўзгариш рўй бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига ахамият бермайди. Боз устига, агар ота оилада ўзини тутишни билмаса, ахлок-одоб бобида фарзандларига ўрнак бўлиш ўрнига кўпол муомала киладиган бўлса, бу холат, табиийки, бола маънавий оламининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, вакти-соати келиб, унинг характерида инсон деган номга нолойик, хунук бир одат сифатида намоён бўлади.
Ёки оилада кўни-кўшниларни кўролмаслик, фиску фасод, игво мухити хукмрон бўлса, хеч шубхасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган огир асорат колдиради. Умуман, оиладаги маънавий мухит ва тарбия туфайли бола ё мехрибон ва рахмдил, ёки худбин ва багритош бўлиб вояга етишини тушуниш кийин эмас.
Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, икболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафакат оиладаги, балки махалла-кўйдаги одамларнинг хатти-харакати хам боланинг шаклланиб келаётган соф калби ва онгига кандай таъсир кўрсатиши хакида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда кандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.
Оилавий тарбия масаласида хатога йўл кўймаслик учун аввало хар кайси хонадондаги маънавий иклимни ўзаро хурмат, ахлок-одоб, инсоний муносабатлар асосига куриш айни муддао бўлур эди. Бу хакда гапирганда, мен мумтоз ёзувчимиз Абдулла Кодирийнинг «Ўтган кунлар» асаридаги кахрамонларнинг ўзаро муомала ва мулокотлари, уларнинг хатто кичик фарзандларини хам «сиз»лаб гапириши мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига канчалик катта эътибор берганига ишонч хосил киламан.
Шу нуктаи назардан караганда, бугунги кунда хам юртимизда ана шундай гўзал ахлок мезонлари билан яшаб келаётган, ўгил-кизларини шу рухда тарбиялаётган кўплаб

ибратли оилалар барчамизда хавас уйготиши табиийдир.
Маълумки, ўзбек халки азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга мехр кўйиш, уларнинг корнини тўк, устини бут килиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чогидан бошлаб миллий тарбия, ахлок-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб ахамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафакат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда кимматга тушишини хам кўпгина хаётий мисолларда кўриш мумкин.
Ўз-ўзидан равшанки, юкорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соглом насл масаласи хам мухим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Акли расо хар кайси инсон яхши англайдики, бу ёруг дунёда хаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебахо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот хамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.
Шахсан менга «насл» ва «насиба» деган сўзлар ўртасида кандайдир илохий богликлик бордек туюлади. Албатта, хар бир бандага ризк-насибани Оллох таоло беради. Лекин бу хаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи хам чин дилдан интилиши, зурриёдини соглом мухитда тарбиялаши катта ахамиятга эга эканини унутмаслигимиз зарур.
Бугунги кунда бизнинг килаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруг келажаги учун амалга оширилмокда. Лекин бахту саодат факат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва аклли, мехнатсевар, иймон-эътикодли фарзанд нафакат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.
Шу хакикатдан келиб чиккан холда, ёшларимизни хар томонлама соглом ва баркамол этиб тарбиялаш, хаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони бўлмиш оилани мустахкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим.
Шу боис биз мустакиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошка мухим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйгун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг мухим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келмокдамиз.
Мамлакатимиз Конституциясида оиланинг ижтимоий макоми аник белгилаб кўйилгани, шу асосда Оила, Фукаролик, Уй-жой кодекслари ва бошка зарур конун хужжатлари кабул килиниб, бу борада тегишли хукукий пойдевор яратилгани хам бу фикрни тасдиклайди.
Маълумки, кейинги йилларда юртимизда хар кайси йилга аник бир ном бериб, шу асосда махсус давлат дастурларини ишлаб чикиш ва амалга ошириш яхши анъанага айланиб колди.
Агар ушбу масаланинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу йўлдаги дастлабки салмокли кадамларимиз 1998 йилни мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон килиш билан бошланганининг ўзи хам, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.
Шу маънода, оилани, унинг боқий кадриятларини улуглаб, мамлакатимизда «Эл-юрт таянчи» деган муаззам ёдгорлик барпо этганимиз кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлганини таъкидлаш жоиз.
Кадимий Карши шахрининг 2700 йиллик тўйи арафасида шу табаррук заминда кад ростлаган бу мухташам бадиий обида оркали биз минг йиллар давомида канча-канча синов ва машаккатларни бошидан кечириб, ўз она юртини хар кандай бало-казолардан

асраб-авайлаб келган, ўгил-кизларини акл-заковат, мардлик ва матонат сохиби этиб тарбиялаган бунёдкор халкимизга, унинг том маънода таянчи бўлган оилага чексиз хурмат-эхтиром туйгусини мужассам этишни максад килиб кўйдик. Эл-юртимизнинг олижаноб карашларига гоят хамоханг бўлган ушбу ёдгорлик мажмуаси киска вакт ичида табаррук зиёратгохга айланиб колгани барчамизни кувонтиради.
Мухтасар айтганда, хаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соглом экан -жамият мустахкам, жамият мустахкам экан - мамлакат баркарордир.
Маънавий хаётимизни юксалтириш хакида гапирганда, махалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш албатта ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек махаллалари чинакам миллий кадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро мехр-окибат, ахиллик ва тотувлик, эхтиёжманд, ёрдамга мухтож кимсалар холидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, хашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслахат ўтказиш, яхши кунда хам, ёмон кунда хам бирга бўлиш каби халкимизга хос урф-одат ва анъаналар аввалambор махалла мухитида шаклланган ва ривожланган. Халкимизга хос ўзини ўзи бошкариш тизимининг бу ноёб усули кадим-кадимдан одамларнинг нафакат тилида, балки дилида, бутун хаётида чукур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Махалла - хам ота, хам она» деган хикматли наклни ана шу хаётий хакикатнинг ифодаси сифатида кабул киламиз.
Махалла хакида гапирганда, кўпчилик ана шундай чукур маъноли сўзларни эслаши ва тилга олиши табиий. Улар шу тарика наинки ўзларининг дарду ташвишларини хал киладиган таъсирчан ижтимоий фукаролик идораси, айни вактда она юрт рамзи бўлган махаллага ўзининг муносабатини изхор этади.
Мустакиллик йилларида махалла хаёти билан боглик кўплаб кадриятлар, удум ва анъаналаримиз кайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормокда. Шу билан бирга, махалланинг хукук ва ваколатлари кенгайтирилмокда, улар бугун ўзини ўзи бошкариш идораси, хакикий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормокда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «махалла» тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошкарувидаги ўрни ва макоми катъий белгилаб кўйилди. Махалла бошкарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халкчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий хаётимизни янада мустахкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида мухим ахамият касб этмокда.
Махалланинг халк маънавияти билан боглик жихатлари хакида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, атрофлича тахлил килар эканмиз, хеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз хар кайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иклим ва вазиятни англамокчи бўлсак, бу борадаги хакикий манзаранинг ёркин ифодасини аввало махалла хаётида худди ойнадек яккол кўриш имконига эга бўламиз.
Шу сабабли биз маънавий хаётимизни, миллий онг ва кадриятларимиз, эътикод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси махалла идорасига янада кўпрок имконият бериш, унинг хукукий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алокадор эканини ўзимизга яхши тасаввур киламиз. Шу оркали биз ўзимизнинг эзгу максадимиз бўлмиш эркин фукаролик жамияти барпо этиш йўлида, хеч шубхасиз, улкан кадам кўйган бўламиз.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир киладиган яна бир мухим хаётий омил - бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас богликдир.
Маълумки, ота-боболаримиз кадимдан бебахо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнакининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.
Албатта, таълим-тарбия - онг махсули, лекин айни вактда онг даражаси ва унинг ривожини хам белгилайдиган, яъни, халк маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг мухим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.
Шу боис бу сохада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлако йўл кўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий конунимизда белгилаб кўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халкимизнинг иштироки ва кўллаб-кувватлашини талаб киладиган умуммиллий масаладир.
Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргохларида яратилади, бошкача айтганда, халкимизнинг эртанги куни кандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун кандай таълим ва тарбия олишига боглик.
Бунинг учун хар кайси ота-она, устоз ва мураббий хар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиккан холда, фарзандларимизни мустакил ва кенг фикрлаш кобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш - таълим-тарбия сохасининг асосий максади ва вазифаси бўлиши лозим, деб кабул килишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйгун холда олиб боришни талаб этади.
Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шаркона караш, шаркона хаёт фалсафаси.
Бу хакда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё хаёт - ё мамот, ё нажот - ё халокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир» деган чукур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун канчалар мухим ва долзарб бўлган бўлса, хозирги вактда хам биз учун шунчалик, балки ундан хам кўра мухим ва долзарб ахамият касб этади.
Нега деганда, бизга собик тузумдан мерос бўлиб колган маориф тизимининг энг номаъкул томони шундан иборат эдики, унда ўкув жараёнида ўкувчи ва талабаларнинг мустакил ва эркин фикрлашига йўл кўйилмас эди. Хар кайси ўкув юртини битирувчиларнинг билимига караб эмас, аксинча, уларнинг собик совет тизимига ва сохта гояларга садокатини хисобга олиб бахолаш ва хаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп холларда сифат ўрнига сон кетидан кувиш устунлик киларди. Аксарият ёшлар хакикий билим ёки малака орттириш максадида эмас, кўпрок амалда дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди.
Шунинг учун хам мустакилликнинг дастлабки йилларидаанок бутун мамлакат микёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан ислох килишга нихоятда катта зарурат сезила бошлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чикиш билан боглик жараён узок йиллар мобайнида бу сохада талай муаммолар йигилиб колганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойихаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун хам бу огир, масъулиятли, аммо хал килишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни кадам-бакадам, изчиллик билан бажаришга бел богладик.

Таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда мен жахон тажрибаси ва хаётда ўзини кўп бор оклаган хакикатдан келиб чикиб, агар бу максадларимизни муваффакиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада хаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни, янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз, деган фикрни билдирган эдим.
Дархакикат, истиклол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўкув юртларида тахсил олаётган, замонавий касб-хунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, хозирданок икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўкувчилар, катта хаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салохиятини ёркин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз хосилини бераётганининг гувохи бўлмокдамиз.
Энг мухими шундаки, «портлаш эффекти»нинг хакикий мохияти ва ахамияти вакт ўтиши билан, биз тарбия килаётган соглом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада якколрок сезилади.
Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айникса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустахкамлашга эътиборни кучайтириш биз учун кун тартибидаги энг мухим ва жиддий масалага айланди.
Шу максадда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантикий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури кабул килинди.
Ушбу дастурга мувофик, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга якин умумтаълим мактабининг моддий-техник базасини мустахкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўкитувчиларнинг мехнатини моддий ва маънавий рагбатлантириш бўйича катта ишлар килинмокда.
Мухтасар килиб айтганда, охирги йилларда таълим-тарбия сохасида амалга оширган, кўлами ва мохиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, хеч кимдан кам бўлмайдиган хаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халкимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустахкам замин яратди, десак, хеч кандай хато бўлмайди.

## Маънавий ва моддий хаёт уйгунлиги

Маънавиятнинг инсон ва жамият хаётидаги мохияти ва ахамияти хакида фикр юритганда, бу борада асрлар давомида кизгин бахс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган бир масалага алохида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Яъни, одамнинг кундалик хаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан кандай ўрин тутиши, уларнинг кайси бири устуворлик касб этиши хакида турли-туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва карашлар мавжуд бўлганини ва бундай тортишувлар хозиргача давом этаётганини кузатиш кийин эмас.
Башарият тарихида яшаб ўтган не-не буюк алломалар бу масала бўйича кўплаб асарлар яратиб колдиргани хам шундан далолат беради.

Мисол учун, кадимий хинд, хитой ёки юнон файласуфларини оласизми, ўрта асрлардаги Шарк ва Гарб Уйгониш даври намояндаларини оласизми, ислом оламида ном козонган мутафаккир зотларни оласизми - уларнинг илмий меросида моддий ва маънавий олам ўртасидаги муносабатларга кенг ўрин берилганини кўриш мумкин.
Масалан, антик давр файласуфлари бўлмиш Сократ ва Платон, Эпикур ва Демокрит, хитой донишманди Конфуций ва бошка алломаларнинг бу борадаги назарий карашлари фан тарихидан яхши маълум. Уларнинг айримлари рухий оламни бирламчи деб билса, баъзилари эса моддий оламни асосий ўринга кўяди.
Ана шундай тушунча ва тасаввурлар асосида кейинчалик материализм ва идеализм каби таълимотлар майдонга чикди. Ўйлайманки, бу ўринда уларнинг тарихи, маъно-мазмуни хакида батафсил тўхталиб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак.
Албатта, бундай фалсафий ёндашувларнинг хар бири ўз давридаги мавжуд сиёсий-ижтимоий вазият, хукмрон мафкура, жамиятнинг хукукий ва маданий савияси, турли социал гурух ва тоифаларнинг карашларини ифода этишга хизмат килади.
Ижтимоий тараккиётнинг турли даврларида бундай бахслар соф назарий масала доирасидан чикиб, маълум бир тузум ёки давлатнинг расмий мафкураси макомини хам олган. Бунинг тасдигини узокка бормасдан якин тарихимизда -шўро замонида материалистик карашни устун кўйиш натижасида материя бирламчи, онг эса иккиламчи, деган тамойилнинг хукмрон дунёкараш даражасига кўтарилгани, бунинг окибатида инсоннинг маънавий кадриятлари, айникса, унинг миллий ва диний туйгуларига беписанд караб келингани мисолида хам кўриш мумкин.
Ушбу масалага чукуррок ва атрофлича назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бу кўхна дунё, биз яшаётган хаёт ягона, яхлит бир вокеликдир. Шундай экан, моддий эхтиёжларни инсоннинг рухий оламига карама-карши кўйиш, уларнинг бирини устун деб билган холда, тирикликнинг асосий максади сифатида кабул килиш кандайдир бирёклама караш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди.
Колаверса, бу масалага бундай кескин ёндашув, хусусан, одамнинг рухий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга кўйиш охир-окибатда жамият хаётида инкирозга олиб келиши мукаррар эканини тарих кўп маротаба исботлаган.
Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида хам моддий, хам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилкат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун хам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала.
Мана шундай караш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу¬интилишларни рўёбга чикариш, унинг онгли хаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз килаётган кушнинг икки канотига киёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.
Качонки ана шу икки мухим омил ўзаро уйгунлашса, том маънодаги кўш канотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият хаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.
Биз истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халкимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу-максадлари ва замон талабларини, дунёвий тараккиёт мезонларини хисобга олган холда, жамиятимиз хаётида ана шу икки омилнинг уйгун тарзда ривожланишига алохида эътибор каратдик. Мустакиллик биз учун нафакат иктисодий, балки бекиёс маънавий имкониятлар манбаи эканини англаб, мамлакатимизнинг ички ва ташки сиёсатини, иктисодий-ижтимоий янгиланиш жараёнларини айнан шу асосда

ташкил этишга устувор ахамият бердик.
Шу ўринда баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг, олдин моддий хаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлако хато бўлиб, янги жамият, янги хаёт куриш жараёнида факат зарар етказиши мумкинлигини бугун хаётнинг ўзи хар кадамда тасдиклаб бермокда.
Шу нуктаи назардан караганда, бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият аъзоларининг ўз салохияти ва истеъдодини рўёбга чикариши учун уларга биринчи галда тенг имконият ва эркинлик мухитини, хам конуний, хам амалий шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Оддий килиб айтганда, куч-гайрат билан бирга, билим ва тажрибаси, акл-идроки, касб малакаси етарли бўлган, конунларни, ўз хак-хукуклари ва мажбуриятларини яхши билган одамгина тадбиркорлик ёки фермерлик билан шугулланиши, ўз хусусий ишини окилона ва самарали ташкил этиши мумкин.
Кўриниб турибдики, моддий ва маънавий хаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро богланиб, бир-бирини тўлдиради. Юксак тараккиётга эришишни орзу киладиган хар бир инсон ва жамият ўз хаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий богликлик асосида курган ва ривожлантирган такдирдагина ижобий натижаларга эриша олади.
Ана шу хакикатдан келиб чиккан холда, биз иктисодий ўнгланиш, иктисодий тикланиш, иктисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш харакатлари билан тамомила уйгун равишда ривожланиб боришини доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказига кўйиб келмокдамиз.
Мамлакатимизда бозор иктисодиёти муносабатларининг жорий этилиши туфайли юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёкараши канчалик ўзгариб кетгани хам шундан далолат беради. Кўпчиликка яхши аёнки, 90-йилларнинг бошларида аксарият одамлар бизда хам кимнингдир хусусий заводи ёки фермаси у ёкда турсин, кичкинагина дўкони бўлиши мумкинлигини хам тасаввур эта олмас, тасаввур этган такдирда хам ўзига кабул кила олмас эди.
Чунки хамма нарса давлат мулки бўлган эски тузумда хусусий мулкка эга бўлиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шугулланиш бизга бегона бўлган тушунчалар сифатида бахоланар эди. Бугунги кунда эса хусусий мулк тушунчасига нисбатан муносабат кандай ўзгариб, у хаётимиздан канчалар чукур жой олиб бораётганига барчамиз гувохмиз ва бу холат хеч кимни хайрон колдирмайди.
Кишилик тарихи, бугун дунёдаги кўпгина тараккий топган, баркарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан ташкил топган тоифа ўзини ва оиласини бокишга, шу билан бирга, орттирган даромади хисобидан ўз якинлари ва мухтож инсонларга бегараз ёрдам кўрсатиш, эл-юрт учун хизмат киладиган мактаб, касалхона, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, бир сўз билан айтадиган бўлсак, давлат ва жамият зиммасидаги кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз хиссасини кўшади.
Энг мухими, бундай инсонлар юртимизда тинчлик-осойишталик ва баркарорликни саклаш ва химоялаш, ёруг келажагимизни куриш йўлида астойдил жон куйдириб мехнат килади. Буларнинг барчаси маънавий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиздан озикланган иктисодий тараккиёт йўлимиз жамиятимиз хаётига кандай ижобий таъсир кўрсатаётганининг ёркин ифодасидир. Энг мухими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий баркарорлик ва тараккиётнинг мустахкам гарови бўлиб хизмат килмокда.

## Иккинчи боб
## Мустакиллик - маънавий тикланиш ва юксалиш Миллий гоя ва маънавий хаёт

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини куришга азму карор килган хар кайси халк юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар килиш, уларнинг калбида ишонч уйготиш, эски ижтимоий тузумдан мутлако янги тузумга ўтишда ўзига кўшимча куч-кувват ва мадад топишда умумий, ягона максад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий гояни таянч ва суянч деб билади.
Миллий гоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган хар бир инсон ва бутун халкнинг калбида чукур илдиз отиб, унинг маънавий эхтиёжи ва хаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, хар кайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-максадларини ўзимизга тасаввур киладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-мохиятини ифода килган бўламиз.
Истиклолимизни кўлга киритган илк кунлардан бошлаб, биз миллий гоямизнинг энг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиш ва ишлаб чикишга харакат килдик. Шу максадда ижтимоий фанлар сохасидаги етакчи олимлар, сиёсатшунос ва иктисодчилар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз эътиборини ана шу мухим масалага каратдик. Халкимизнинг асрий орзуси, кўзлаган юксак максадларимизга етишнинг асосий омили -авваламбор мустакилликни асраб-авайлаш, уни янада мустахкамлаш билан боглик эканидан келиб чиккан холда, миллий гоямизнинг маъно-мазмунини хам ана шундай мезонлар негизида белгилашни вазифа килиб кўйдик ва бу борада бир канча эътиборга лойик ишларни амалга оширдик.
Айни пайтда хозирги мураккаб ва тахликали замон талаблари, жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация килиш билан боглик максадларимизга уйгун ва хамоханг равишда хаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни кўймокда.
Табиийки, миллий гоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, хаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнаки, халк фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.
Бутун инсоният тарихи, халкимизнинг неча минг йиллик ўтмиши аччик сабок ва хулосалар асосида бир хакикатни исботлаб бермокда. Яъни, биз баркарор тараккиёт ва фаровон хаётга эришиш йўлида ўз олдимизга кандай режа ва дастурларни кўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шарти ва гарови - бу тинчлик ва осойишталикдир. Бежиз эмаски, юртимиздаги кайси хонадонга кирманг, кандай йигин ёки маърака бўлмасин, фотихага кўл очилганда, ёшу кари, эркагу аёл - барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо киламиз.
Маълумки, инсоннинг энг устувор ва мукаддас хукукларидан бири - бу тинч яшаш хукукидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу хукукни барча конуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу хукукни амалга ошириш - давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг мухим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги хам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади.

Миллий гоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар хакида гапирганда, хеч шубхасиз, биз Ватан равнаки ва тараккиётини ўзимизга тасаввур киламиз.
Ўз киндик кони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, мукаддас Ватан деб биладиган одамнинг максад-муддаолари аник, гурур ва ифтихори юксак бўлади.
Ватан равнаки аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боглик. Бу ўз навбатида хар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фукаролик масъулиятини хис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халк манфаатлари билан уйгунлаштириб яшашга даъват этади. Ва хар кайси фукаро ўз мамлакатининг халкаро хамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараккий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар каторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубхасиз.
Бир сўз билан айтганда, бу икки тушунча -Ватан равнаки ва фаровонлик масаласи бир-бири билан чамбарчас боглик эканини тушуниш кийин эмас.
Ана шундай мантикий хулосадан келиб чиккан холда, халк фаровонлиги деган эзгу тушунчани хам миллий гоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар каторига кўйишимиз табиийдир.
Нега деганда, бу дунёда хар бир одам тўк ва бадавлат хаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйли-жойли килиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди.
Хозирги вактда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг пировард максади - одамларимизнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чикариш, халкимизга хар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат экани хакида такроран гапиришнинг хожати йўк, деб ўйлайман.
Бу максадга эришиш учун юртимизда барча асослар - табиий бойликлар, унумдор ер, катта иктисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салохият мавжуд. Энг мухими, бу диёрда ана шу фаровон хаётни ўз кучи, ўз акл-заковати билан барпо этишга кодир бўлган мехнатсевар ва истеъдодли халк яшайди.
Мухтасар килиб айтганда, миллий гоямизга кайси томондан таъриф ва бахо бермайлик, халкимизни бирлаштирадиган бу олий максадлар асрлар давомида унинг юрагидан, калбидан жой олиб келган орзу-армон ва эзгу интилишлар билан чамбарчас боглик эканига ишонч хосил киламиз.
Эндиликда олдимизда турган энг мухим вазифа - ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий гоямизнинг узвий таркибий кисмларини ташкил киладиган комил инсон, ижтимоий хамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро багрикенглик каби тамойилларнинг маъно-мохиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига кўйиш, уларни янги боскичга кўтариш, ёш авлодимизни хар томонлама мустакил фикрлайдиган етук дунёкараш эгалари килиб тарбиялашдан иборат.
Таъкидлаш жоизки, биз фукаролар дунёкарашини бошкариш фикридан йирокмиз, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.
Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, «миллий гоя» деган сўз факат бир миллатга мансуб бўлиб колмасдан, мана шу табаррук диёримиз - Ўзбекистон тупрогида яшаётган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.
Миллий гояда мужассам бўлган буюк максадларни рўёбга чикариш авваламбор

жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш хар кайси инсоннинг маънавий олами ва дунёкарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боглик эканини унутмаслигимиз зарур.
Шу ўринда бир фикрни алохида ургу бериб айтишни жоиз деб биламан.
Бизнинг энг улуг максадимиз, энг улуг гоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустакилликни мустахкамлаб, мамлакатимизни хар томонлама юксалтириб, ёруг ва эркин хаёт сари олга юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-гайратимиз ана шу улугвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халкимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий максад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон киладиган миллий гоя хам аслида шу.

**Маънавият ва жамиятнинг янгиланиши**

Бугунги кунда мамлакатимизда янги хаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фукаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун гоят долзарб ахамиятга эга.
Хаётимизнинг барча сохаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халк маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чукур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сакланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг мухими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий богликдир.
Шу боисдан хам, ўз хак-хукукини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган вокеа-ходисаларга мустакил ёндаша оладиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халк манфаатлари билан уйгун холда кўрадиган, хар жихатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиклол йилларида биз учун хал килувчи масалага айланди.
Таъкидлаш жоизки, бу жараён юртимизда ўта мураккаб шароитда -мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар карор топаётган кескин бир вазиятда юз берди.
Мана шундай ўта калтис ва мураккаб бир даврда юртимиздаги тинчлик ва баркарорликни асраб колиш, Марказдан бўлаётган турли зарарли таъсирлардан халкимизни химоя килиш, ўз мустакил сиёсатимизни ишлаб чикиш ва амалга ошириш максадида 1990 йилнинг 24 март куни республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида президентлик бошкаруви жорий этилди.
Таъкидлаш жоизки, ўшанда СССР худудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мана шундай юксак лавозим жорий этилган ва шу тарика биз юртимизни мустакиллик йўлига бошлаган дастлабки кадамни кўйган эдик.
Ўша сессия мажлисида республикамизда вужудга келган огир вазият ва уни тузатиш

бўйича олдимизда турган энг асосий вазифалар хакида сўз борганда, бир-биридан долзарб, бир-биридан мухим муаммоларни ечиш борасида айнан маънавият масаласига алохида тўхталиб, халк ноиблари, бутун халкимизга карата мен куйидаги фикрларни билдирган эдим:
«Бугунги кунда олдимизда турган энг мухим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, ахолининг кундалик эхтиёжларига бевосита дахлдор долзарб масалаларни хал килиш билан бир каторда биз эски тузум даврида инсон хаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий кадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан хисоблашмаслик жамиятимизга канчадан-канча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак.
Бу борада асосий ишларимиз нималардан иборат бўлиши лозим?
Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халк маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисколлаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга огир дамларда мадад бўлган.
Бизнинг вазифамиз - шу хазинани кўз корачигимиздек асраш ва янада бойитиш.
Сўзда эмас, амалда хар бир кишининг виждон эркинлигини, эътикод эркинлигини таъминлашимиз керак. Биз одамларнинг маънавий тарбиясини ўйлаб, тинчлик ва хайрли ишларни кўзлаб харакат килаётган хар бир кишини кўллаб-кувватлаймиз, улар билан хамкорлик киламиз.
Масаланинг бошка томони - маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустахкамлаш. Инсоннинг тўлаконли хаёти учун нихоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошка маданият ўчокларини кўпайтириш, уларнинг шароитини яхшилаш.
Биз кўп йиллар давомида маърифат ва маданиятга нотўгри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблаглар доим бошка сохалардан кам бўлди. Натижада биз бу масалада оркада колиб кетдик.
Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар каторидан жой олиши лозим.
Ва нихоят, шу сохаларда ишлаётган кадрлар масаласи. Ўкитувчилар ва шифокорлар, маданий-окартув муассасаларидаги ва бошка сохалардаги кўплаб мутахассислар - чинакам зиёлилардир.
Айникса, олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътиборни кучайтириш керак. Чунки маънавий бойликларни айнан шулар яратади. Уларга гамхўрлик килиш, самарали фаолияти учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат хокимияти ва хўжалик ташкилотлари рахбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир.
Яна бир долзарб вазифа - ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига нихоятда катта жавобгарлик хисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар халк маънавиятининг муносиб эгаларидир. Шунинг учун хар бир ўгил-кизимиз дастлабки кадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан бахраманд бўлиши керак.
Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-кизларимизнинг ўз кизиккан сохаларида етук инсонлар бўлиб етишиши учун тегишли шарт-шароитлар хали тўла яратилгани йўк.
Агарки биз ўзимизнинг маънавий бурчимизни оклашни истасак, уларга оталарча гамхўрлик килишимиз керак. Ана шу максадда биз уларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги нуфузли илмий марказларда таълим олиши учун маблаглар ажратдик. Бу ишлар учун хеч нарсани, шу жумладан, валютани хам аямаймиз.

Кейинги пайтда санъатда ошкораликни пеш килиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмагур лавхаларни акс эттириш, бемаънилик ва хаёсизликни, баъзан эса, хатто ахлокий бузукликни тарғиб килишлар кўпайиб колди.
Барчамиз - каерда, кандай лавозимда ишламайлик, жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлокий акидаларини поймол киладиган ана шундай тажовузкорлик кўринишларига катъий равишда карши туришимиз лозим. Бундай муносабат жамоатчилигимиз, халкимизга хам маъкул бўлади, деб ишонаман».
Орадан йиллар ўтиб, миллатимиз, халкимизнинг келажаги, унинг маънавий хаётини бойитиш максади билан йўғрилган бундай сўзлар хали истиклолимиздан бир йилу тўрт ой олдин, айнан она тилимизда айтилганини хисобга оладиган бўлсак, бугун хаётга кириб келаётган ёшларимиз учун, ўйлайманки, кўп нарса аён бўлади.
Айни пайтда юртимизда миллий тикланиш жараёни карийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий карамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлако табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» конунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собик тузумнинг мафкуравий карашларини умуман инкор этишнинг ўзи хеч кандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини тугдириши эхтимолини яхши англар эдик. Шу билан бирга, тарихий кадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орка-олдини ўйламасдан, ёппасига бетартиб кайтиш бошка бир кескинлик, дейлик, бугунги давр хаётини кабул килмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номакбул холатларга олиб келиши мумкинлигини хам унутмаслик зарур эди.
Барчамизга маълумки, миллат ва халкнинг рухи, дунёкараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёкараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи хар томонлама чукур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб килади. Ўша пайтда баъзи одамлар, мана, биз мустакилликка эришдик, энди факат ота-боболаримиздан колган кадриятлар асосида яшашимиз керак, бошкача карашларнинг бизга хожати йўк, деган асоссиз фикрларни хам билдирган эди. Табиийки, бундай фикрларга асло кўшилиб бўлмас эди.
Бу борада тўгри йўл тутиш учун авваламбор миллий кадриятнинг ўзи нима эканини аник тушуниб олиш зарур. Албатта, биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараккиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари кадри ортиб борадиган гоя ва тушунчаларни кадрият деб биламиз.
Хар кандай ижтимоий ходиса сингари миллий кадриятларнинг хам ўзига хос ривожланиш конунияти бор. Бу хакикатни унутиш, миллий кадриятларни бирёклама, сунъий равишда улуглаш ва идеаллаштиришга уриниш, улардан сиёсий максадларда фойдаланиш салбий окибатларга олиб келиши хаётда кўп бора ўз исботини топган. Айникса, Ўзбекистон каби кўпмиллатли, кўпконфессияли мамлакатда бундай харакатлар охир-окибатда миллатлараро зиддият, миллатчилик, миллий ва диний бетокатлик каби нохуш холатларга олиб келиши мумкин.
Биз халкимизнинг акл-идроки, мустахкам иродаси, багрикенглиги ва инсонпарварлигига таянган холда, бу борада амалга оширган бир катор ишлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермокда.
Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий богliклик тил оркали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон калбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг рухидир.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг сўзлари билан айтганда, «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи хаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўкотмак миллатнинг рухини йўкотмакдур».
Бу хакда гапирганда, мустакиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили макомини бериш масаласида кандай кизгин, баъзида кескин ва муросасиз бахс ва тортишувлар бўлиб ўтгани беихтиёр ёдимизга тушади. Ўшанда айрим сиёсий гурухлар Ўзбекистон шароитига мутлако тўгри келмайдиган, бир-бирига бутунлай зид ва карама-карши фикрларни олга сурган, шунинг хисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боглик муаммолар оркали миллий туйгуларни рўкач килиб, улардан гаразли максадларда фойдаланиш мумкин.
Мана шундай ўта калтис ва мураккаб вазиятда агарки озгина эхтиросга берилсак, хушёрликни йўкотсак борми, арзимаган учкундан ўт чикиб кетиши хеч гап эмасди. Марказда ва ўзимизда кулай бахона кутиб, пайт пойлаб турган империяпараст кучларга айнан шу нарса керак эди. Аммо биз улар кутган йўлдан бормадик. Огир-вазминлик билан иш тутиб, хар томонлама ўйлаб, мулохаза килиб, барча сиёсий ва ижтимоий гурухларнинг талабларини кондирадиган, энг мухими, халкимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўгри йўлни топишга эришдик.
Аввало, республика Олий Кенгаши кошида давлат тили бўйича таникли олимлар, ижодкор зиёлилар, журналистлар ва жамоатчилик вакилларидан иборат махсус комиссия ташкил килинди. Комиссия аъзолари ахолининг турли ижтимоий катламлари, сиёсий гурухлар, барча миллат ва элат вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулохазаларни атрофлича ўрганиб, республика рахбарияти ва кенг жамоатчиликка доимий ахборот бериб борар эди. Ана шундай ишчанлик рухида Олий Кенгаш сессиясига такдим этиладиган лойиханинг хар бир моддаси бўйича хар тарафлама фикр алмашув, бахс ва мунозаралар бўлиб ўтди.
Нихоят, 1989 йилнинг 19 октябрь куни бу ўта мухим масала Олий Кенгаш сессияси мухокамасига кўйилди. Ва карийб бир ярим асрлик карамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон килинди. Халкимизнинг мукаддас кадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг конуний макоми ва химоясига эга бўлди. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк вокеа эди.
Кабул килинган конунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан химоя килиш, тили, дини ва миллатидан катъи назар, хар бир фукаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби хукукларини кафолатлаш масалалари аник белгилаб кўйилган эди. Бу конун ўша пайтда бошка республикаларда кабул килинган тилга оид хужжатлардан ўзининг демократик мохияти билан ажралиб туришини алохида таъкидлаш лозим. Жумладан, мазкур конун давлат идораларида ишлаш, таълим олиш, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиш, фукаролик сингари масалаларда одамларнинг хукук ва эркинликларини камситадиган турли шартлар ва «ценз»лардан холи экани билан жахон хамжамияти томонидан эътироф этилган талаб ва коидаларга тўлик жавоб берар эди. Шунинг учун хам у кўпмиллатли халкимиз томонидан ижобий кутиб олингани бежиз эмас.
1992 йил 7 декабрда кабул килинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг макоми хукукий жихатдан аник белгиланиб, мустахкамлаб кўйилди. Шу тарика ўзбек тили мустакил давлатимизнинг байроги, герби, мадхияси, Конституцияси каторида турадиган, конун йўли билан химоя килинадиган мукаддас тимсолларидан бирига айланди.

Ўтган давр мобайнида давлат тилининг хаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий кадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур хам килиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди.
Истиклол йилларида ўзбек тилининг кўлланиш доираси амалда нихоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга каратилган тадкикотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига багишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўкув кўлланмалари, янги-янги лугатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз хиссасини кўшмокда.
Айникса, давлат тилининг халкаро микёсда хам фаол мулокот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Хусусан, хорижий мамлакатлар рахбарлари билан бўладиган учрашув ва сухбатлар, музокаралар, тегишли хужжатларни имзолаш маросимларида, нуфузли саммитларда, расмий матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва ахамияти ортиб бораётгани хаммамизга гурур-ифтихор багишлайди.
Шу борада ўзбек тилининг компьютер ва Интернет, аник фанлар, тиббиёт, иктисодиёт каби махсус термин ва тушунчаларни талаб киладиган сохаларда хам кенг кўллана бошлагани унинг имкониятлари нечоглик катта эканини кўрсатади.
Холбуки, бундан йигирма йил олдин оддийгина ариза ёки маълумотномани хам ўзбек тилида ёзишнинг имкони йўк эди. Бугун бу хакда гапирсангиз, кўпчилик ёшларнинг ишониши кийин. Чунки хозирги пайтда олий хокимият идораларидан тортиб махаллий бошкарув идораларигача иш юритиш она тилимизда амалга оширилмокда.
Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебахо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айникса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта мухим сохаларда она тилимизнинг кўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва киёсий лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чикиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда хар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйгусини англашдек эзгу максадларга хизмат килиши шубхасиз.
Маълумки, ўзбек тили асрлар давомида араб ёзуви асосида ривожланиб келган. Айни пайтда буюк аждодларимиз, тилимизнинг ўзига хос грамматик хусусиятларини хисобга олган холда, унинг улкан имкониятларига мос ёзув тизимини яратиш хакида доимо бош котириб келганлари хам тарихий манбалардан яхши аён, деб ўйлайман.
Жумладан, 1929 йилда маърифатпарвар зиёлиларимизнинг саъй-харакатлари билан лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ишлаб чикилди ва жорий этилди. Бу алифбо ўн йил мобайнида амалда бўлиб, лотин ёзувида халкимизнинг маънавий мулкига айланиб колган кўплаб китоб ва дарсликлар, газета-журналлар ва бошка матбаа махсулотлари, тарихий хужжатлар чоп этилди.
Афсуски, хукмрон мафкуранинг собик СССР худудидаги барча халклар маданиятини «ягона совет маданияти» деган сунъий гоя остида бирлаштиришга каратилган сиёсати туфайли бу ижобий тажриба нихоясига етмасдан колиб кетди.
Табиийки, мустакилликка эришганимиздан сўнг халкимиз маънавий хаётидаги бошка кўплаб муаммолар катори тил ва алифбо масаласи хам биз учун кун тартибидаги долзарб вазифага айланди. Айникса, она тилимизнинг халкаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, мамлакатимизнинг жахон коммуникация тизимига интеграциялашувини таъминлаш, фарзандларимиз учун чет тиллар, ахборот технологияларини хар томонлама пухта эгаллаш борасида кулай имкониятлар яратиш

каби бир-биридан мухим вазифалар бу масалани кечиктирмасдан хал килишни талаб этар эди.
Лекин шуни хам айтиш керакки, бу масала канчалик ўткир бўлмасин, биз уни ечишда ортикча хиссиётларга берилмасдан, илмий асосда, хар томонлама ўйлаб, кенг жамоатчиликнинг хохиш-истакларини инобатга олиб иш тутдик. Шу максадда 1993 йил 2 сентябрда юртимизда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўгрисида»ги конун кабул килинди.
Ўтган давр мобайнида ана шу конун ижросини таъминлаш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Аввало, ўзбек тилининг лотин ёзуви асосидаги имло коидалари ишлаб чикилди ва хаётга татбик этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда таълимнинг барча боскичларида ана шу алифбо асосида билим берилмокда. Лотин ёзувида чоп этилаётган китоб ва дарсликлар, ўкув кўлланмалари, газета-журналлар, реклама ва эълонлар, давлат хужжатлари хозирги вактда бу имло маданий хаётимизнинг ажралмас кисмига айланиб бораётганини кўрсатади.
Шу билан бирга, бу масалага мантикий кўз билан карайдиган, энг мухими, халкимизнинг кўпмиллатли эканини инобатга оладиган бўлсак, айрим миллий гурухлар кирилл ёзувини ишлатишини назарда тутиб, юкорида тилга олинган конунда бу имлодан фойдаланиш учун хам имконият яратиш кўзда тутилган.
Айни вактда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида хали кўп иш килишимиз лозимлигини хам унутмаслигимиз зарур. Айникса, баъзан расмий мулокотларда хам адабий тил коидаларига риоя килмаслик, факат маълум бир худуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини кўшиб гапириш холатлари учраб туриши бу масалаларнинг хали-хануз долзарб бўлиб колаётганини кўрсатади. Бу хакда сўз юритганда, бобомиз Алишер Навоийнинг «Тилга эътиборсиз - элга эътиборсиз» деган сўзларида накадар чукур хаётий хакикат мужассам эканига яна бир бор ишонч хосил киламиз.
Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чукуррок билгани сари юрагида Ватанга мухаббат туйгуси илдиз отиб, улгая боради. Бу илдиз канча теран бўлса, тугилиб ўсган юртга мухаббат хам шу кадар юксак бўлади.
Албатта, жахон - кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу мукаддас замин факат бизга аталган. Мана шу улуг туйгу хар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, хаётимиз мазмунига айланишини истардим.
Тарих хакикати шуни кўрсатадики, томирида миллий гурур, Ватан ишки жўш урган одамгина буюк ишларга кодир бўлади. Биз шундай маънавий мухит яратишимиз керакки, юртимизнинг хар бир бурчагида, барча шахар ва кишлокларимиз киёфасида Ватандан фахрланиш хисси кўзимизни, калбимизни яшнатиб турсин.
Бу хакда гапирар эканмиз, айни вактда мухим бир масалага алохида эътибор каратишимиз лозим. Юртимизда яшаётган хар кайси инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фукароси деб, шундан кейингина муайян бир худуд вакили, айтайлик, хоразмлик, самаркандлик ёки Фаргона водийси фарзанди деб хис килиши лозим. Табиийки, бу холат хар биримиз мансуб бўлган «мўъжаз ватан»нинг, тугилиб ўсган шахар ёки кишлокнинг кадри ва ахамиятини асло камайтирмайди. Бирок шуни эсда тутиш керакки, хаддан ташкари бўрттириб юборилган махаллий ватанпарварлик миллатнинг, халкнинг жипслашувига халакит беради.
Биз Ватан туйгусини мана шундай яхлит холда, яъни дунёда ягона ўзбек миллати бор,

хоразмлик, фаргоналик, сурхондарёлик ўртасида хеч кандай миллий фарк йўк, уларнинг барчаси ўзбек халкининг фарзанди деб англашимиз, ёш авлодимизни айнан шу рухда тарбиялашимиз зарур.
Бугунги кунда ёшларимиз юртимизнинг кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни безаб турган ўзбекча номлар, шиор ва лавхаларни кўриб, буларнинг барчасини одатий бир хол сифатида кабул килади. Вахоланки, якин тарихимизда бу манзара бутунлай бошкача кўринишга эга эди. Биргина Тошкент шахридаги кўчаларнинг номларини ўкиб, беихтиёр кайси мамлакатда юрганингизни билмай колар эдингиз: Ленин, Маркс, Энгельс, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин ва хоказо. Шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг дохийлари бўлмиш бу инсонларнинг бирортаси хам умрида юртимизга кадам кўймаган, бизнинг тарихимиз ва кадриятларимизга мутлако алокаси бўлмаган кимсалар эди. Ёки шахардаги аксарият тураржой мавзелари «Ц-1», «Ц-2», «Ц-15» деган, одамда хеч кандай хис-туйгу, хотира уйготмайдиган мавхум номлар билан атаб келинганини эслайлик.
Буларнинг барчаси замирида совет мафкурасига хос бўлган, одамзотни тарихий хотира, Ватан туйгусидан жудо килишга каратилган гаразли интилишлар мужассам эканини англаш, тушуниш кийин эмас.
Холбуки, аждодларимиз ўзлари яшайдиган махалла, шахар ва кишлоклар, бог-хиёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чукур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарканд, Бешёгоч, Кўкча, Чигатой, Сагбон, Лабзак, Тахтапул, Корасарой, Камолон, Кўймас, Кўкон, Кашкар дарвоза деган номлар авваламбор ўзининг аник тарихий-жугрофий маъноси билан ажралиб туради.
Кадимий номларда ота-боболаримизнинг хаёт ва тафаккур тарзи яккол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шахар кисмидаги Пичокчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Такачи, Эгарчи, Ўкчи, Заргарлик, Парчабоф сингари махалла номлари бу ерда хунармандчилик накадар ривожланганидан, халкимизнинг азалдан ўтрок хаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради.
Шу нуктаи назардан караганда, кейинги йилларда пойтахтимизда миллий тарихимизга бегона бўлган, юкорида зикр этилган ясама, сиёсий номлар ўрнига Миробод, Ракат, Мингўрик, Дархонарик, Шайхонтохур, Яккасарой, Заркайнар, Учтепа каби асл номларнинг тиклангани, энг мухими, бундай ишлар мамлакатимизнинг барча минтака ва худудлари микёсида амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.
Маълумки, бугун биз юртимизда халкимиз хохиш-иродасининг ифодаси бўлган Конституция ва конунлар асосида демократик, дунёвий давлат барпо этмокдамиз. Бу давлат авваламбор дунёвий тараккиётга, унинг энг илгор ютук ва натижаларига таянади.
Айни пайтда шуни хам унутмаслик керакки, дунёвийлик - бу дахрийлик дегани эмас. Дин ва диний эътикод бутунлай рад этиладиган хаёт кандай гайриинсоний кўринишга эга эканини биз кечаги тарихимиз мисолида яхши биламиз. Бундай мафкуранинг хатарли томони шундаки, у неча асрлар давомида дин негизида шаклланган, халк хаётининг ажралмас кисмига айланиб кетган кадриятлар - бу ёзма ёки огзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими, ахлок ёки анъаналар бўладими, миллий дунёкараш ёки турмуш тарзи бўладими - буларнинг барчасини рад этади. Натижада одамзот ўзининг ички дунёси, хис-туйгу ва карашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан махрум бўлиб, «шўро дохийлари» айтганидек, улкан давлат машинасининг «винтчаси»га

айланади. Охир-окибатда бундай одам ота-онасини хам, ўз миллати, халки ва Ватанини хам танимайдиган аянчли холатга тушиб колади.
Собик мустабид тузум айнан ана шундай ёвуз максадларни кўзлар эди. Шунинг учун коммунистик мафкура авж олган даврларда, хусусан, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида халкимизнинг бошига кандай азоб-укубатлар ёгдирилганини, албатта, хеч качон унутиб бўлмайди.
Ўша машъум йилларда кўпчилик хатто жаноза маросимларига бориш, якин кишисини йўкотган одамлардан кўнгил сўрашга хам хайикиб колган эди. У ёгини сўрасангиз, баъзи масъул лавозимда ишлайдиган одамлар мафкура тазйикидан юрак олдириб, ота-онаси казо килганда дафн маросимларида иштирок этмасликка хам мажбур бўлган эди.
Лекин хар кандай шафкатсиз таъкибларга карамасдан, халкимиз барибир ўз мукаддас динига содик колди. Шунинг ўзиёк динни инсон, халк ва жамият хаётидан асло ўчириб бўлмаслигидан яна бир бор далолат беради.
Биз мукаддас динимизнинг халкимиз тарихидаги ана шундай бекиёс ўрни ва таъсирини инобатга олган холда, уни хар томонлама тиклаб, хаётимиздан мустахкам ва муносиб ўрин олишига эришдик.
Айни вактда бугунги мураккаб ва шиддатли замонда жахонда ўз ўрнини топишга интиладиган хар кандай халк ва миллат умумбашарий тараккиёт ютукларини хар томонлама чукур ва пухта эгаллаши шартлигини барчамиз яхши тушунамиз. Буюк маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий ўтган асрнинг бошидаёк «Дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебахра миллат бошкаларга поймол бўлур», деган хакконий фикрлар билан Туркистон ахлининг онгу шуурини уйготишга даъват этгани бежиз эмас, албатта. Бу сўзларнинг канчалик хакикат эканини бугунги юксак тафаккур ва технологиялар замони хам исботламокда.
Чиндан хам, агарки хозирги вактда дунёвий илм-фан ва технологияларни чукур ўзлаштирмасак, факат тарихимиз, олис аждодларимизнинг кашфиётлари билан мактаниб, уларга махлиё бўлиб яшайдиган бўлсак, ана шу ноёб меросни асраб-авайлаб, янада бойитиб, унга ўз хиссамизни кўшмасак, замон билан хамкадам бўлиб юрмасак, бизнинг жахон майдонида муносиб ўрин эгаллашимиз кийин бўлади.
Шунинг учун хам бу масалага ёндашувда хадиси шарифда айтилган «Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унутманг» деган мазмундаги сўзларни хеч качон эсимиздан чикармаслигимиз зарур, деб ўйлайман.
Бизнинг маънавий хаётимиз ана шу икки асос, икки таянч нуктанинг устида мустахкам туриши лозим. Бордию ана шу асослардан бирортаси бўшашгудек бўлса, яна ўзгаларга тобе ва карам бўлишимиз хеч гап эмас. Бугунги дунёнинг пасту баландини тушунадиган хар кандай акли расо одам буни яхши англайди, албатта.
Фарзандларимизга ана шу хакикатларни, яъни дунёвий ва диний кадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг мохиятини хар томонлама тўгри тушунтириб беришимиз лозим. Тарих ва хаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний кадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг огир ва мураккаб саволларига тўлаконли жавоб топиш осон бўлмайди.
Шу маънода, биз мукаддас динимиз арконлари ва кадриятларини доимо улуглаб, шу билан бирга, дунёвий хаётга хам катъий ишонч билан интилиб яшаган такдирдагина ўз эзгу максадларимизга ета оламиз.
Шуни айтиш лозимки, халкимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган мехр-окибат, инсонни улуглаш, тинч ва осойишта

хаёт, дўстлик ва тотувликни кадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб хал килиш каби ибратли кадриятлар тобора мухим ахамият касб этмокда. Бу борада маънавий хаётимизнинг узвий кисмига айланиб кетган хашар одати истиклол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини олгани барчамизни мамнун этади. Хар йили Наврўз ва Мустакиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган умумхалк хашарлари бунинг тасдигидир. Ана шу хашарлар пайтида махалла ва гузарлар, йўллар ва майдонлар, богу рогларни тартибга келтириш, дов-дарахтлар ўтказиш, кам таъминланган, мухтож оилалар, ёлгиз ва каровчисиз кексаларга амалий ёрдам кўрсатиш, хеч шубхасиз, жамият тафаккурининг янгиланишига кучли таъсир килмокда.
Хар кайси халк миллий кадриятларини ўз максад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараккиёт ютуклари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алохида ахамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйгуси тўлаконли равишда тикланган, халк босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффакият ва зафарлари, йўкотиш ва курбонлари, кувонч ва изтироблари билан холис ва хакконий ўрганилган такдирдагина чинакам тарих бўлади.
Биз бу масалага ана шундай илмий асосда ёндашиб, кадимий тарихимизни ўрганиш ва бахо беришда унинг бирор-бир даври ёки жабхасини эътибордан четда колдирмасликка харакат килдик. Жумладан, мустамлакачилик ва совет давридаги оммавий катагонлар пайтида зулм ва зўравонлик курбони бўлган, истиклол йўлида жон фидо этган аждодларимизнинг хурмати ва хотирасини жойига кўйиш, уларнинг эл-юрт озодлиги йўлидаги ишлари, колдирган меросини излаш ва ўрганишни айнан ана шундай маънавий негизда йўлга кўйганимизни кайд этиш зарур.
Маълумки, 1937-1953 йилларда собик СССР худудида мудхиш оммавий сиёсий катагонлар амалга оширилган эди. Унинг салбий окибатларини ўзимизга тасаввур этиш учун биргина Ўзбекистон бўйича карийб 100 минг киши катагонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя. Инсоний кадр-киммати топталган, хаёти поймол этилган бу одамлар орасида нафакат арбоб ва зиёлилар, балки юзлаб оддий инсонлар, юртимизда истикомат килган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Шу даврда канча-канча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка махкум этилганини, минглаб миришкор дехконларнинг кулок сифатида олис ўлкаларга сургун килинганини инобатга олсак, халкимиз бошига тушган бу фожианинг дахшати янада яккол намоён бўлади.
Эл-юртимиз такдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халкимиз ва миллатимизнинг якин ўтмишидаги ёпик сахифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабок чикариб, бугунги ва келажак хаётимизга онгли карашни шакллантириш, бегунох курбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун хам карз, хам фарз эди. Ана шу инсоний бурчимизни адо этиш максадида 2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида катагон йилларида халкимизнинг минглаб асл фарзандлари катл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида каровсиз колиб келган Бўзсув канали сохилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида Шахидлар хотираси хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамгарма ташкил килинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Катагон курбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Хар йили 31 август тонгида бу масканда халкимизнинг кадимий урф-одатларига кўра ош тортиб, Куръон тиловат килиш, давлат ва хукумат рахбарлари, кенг жамоатчилик вакилларининг бу ерга келиб, мархумларни ёд этиши, уларнинг рухига хурмат бажо келтириши ибратли анъанага айланиб колди.

Бу ишлар халкимиз, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг онгу шуурида тарихий адолатга ишонч ва инсонийлик фазилатларини карор топтириш, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришда катта тарбиявий ахамиятга эга экани билан айникса эътиборлидир.
Маълумки, собик СССР даврида 9 май хар йили Галаба куни сифатида байрам килинар, Марказда ва республикаларда дабдабали харбий парадлар ўтказилар эди. Биз мазкур сананинг асл инсоний маъно-мохияти хамда жамоатчилигимизнинг бу борадаги таклиф ва мулохазаларини инобатга олган холда, 9 май кунини мамлакатимизда Хотира ва кадрлаш куни сифатида нишонлашга карор килдик. Бу вокеа, хеч шубхасиз, юртимизда тарихий хотирани тўлаконли тиклаш йўлида хаётнинг ўзи такозо этган яна бир жиддий кадам бўлганини айтиш лозим. Шу муносабат билан пойтахтимизда, вилоят ва туманларда совет мафкурасини ўзида ифода этган эски ёдгорликлар ўрнига халкимизнинг рухи ва карашларига хамоханг бўлган Хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она хайкали ўрнатилди.
Ана шу майдонларда барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жахон урушида халок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус ишланган лавхаларга зархал харфлар билан ёзиб кўйилгани, улар хакидаги маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат «Хотира» китоби чоп этилгани, айтиш мумкинки, мамлакатимиз тарихида ибратли маънавий вокеа бўлди.
Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин, мухтасар килиб айтганда, ана шундай янгиланиш жараёнлари туфайли бугун одамларимизнинг онгу тафаккури, уларнинг Ватан такдирига, ён-атрофда юз бераётган вокеа-ходисаларга муносабати тубдан ўзгармокда. Ўтмиш колипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари хаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмокда. Эл-юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик кадриятлар мустахкамланмокда, энг мухими, ахолимизнинг амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларга дахлдорлик хисси, мамлакатимизнинг келажагига бўлган ишончи ортиб бормокда.
Албатта, хаммамизга аёнки, жамият тафаккурини бутунлай янгилаш бир-икки йиллик иш эмас, узок ва узлуксиз давом этадиган жараён. Колаверса, бу йўлда тинимсиз изланиш ва мехнат килиш, хали-бери учраб турган эскича фикрлаш асоратларини енгиб ўтиш осон эмаслигини хам яхши тушунамиз.
Айни вактда биз жамиятни ва жамият тафаккурини янгилашнинг инкилобий усулларига, бу жараённи сунъий равишда четдан туриб, зўравонлик йўли билан тезлаштиришга каратилган хар кандай уринишларга мутлако каршимиз. Биз барча сохаларда, жумладан, маънавий сохада хам тадрижий-эволюцион ислохотлар йўли тарафдоримиз ва бунга катъий амал киламиз. Яъни, содда килиб айтганда, одамларнинг дунёкараши, эътикод ва тафаккурида демократик тамойиллар ва демократик карашларнинг кенгайиши ва мустахкам ўрин топиши авваламбор хаётнинг табиий юриши билан, уларнинг моддий турмуш даражаси ва маданий савияси тобора ривожланиши ва юксалиши билан чамбарчас боглик эканини хаётнинг ўзи такозо этади.
Хар кайси жамиятнинг демократик нуктаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараккиёти махсули эканини хаммамиз чукур англаб олишимиз зарур.
Мана шундай конуният ва карашларни инкор этиш, уларни тан олмаслик ва бунга тескари йўл тутиш, хеч шубхасиз, кутилмаган ва тескари салбий натижаларга олиб келиши мукаррарлигини кўп-кўп мисолларда кўриш кийин эмас, албатта.

## Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони

Жамият хаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум конун-коидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча сохаларда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш зарурати энг мухим эхтиёж, керак бўлса, хаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига чикади.
Биз ўз мустакиллигимизни кўлга киритиб, янги тараккиёт йўлига кадам кўйганимиздан сўнг халкимизнинг хохиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган холда, шўро давридан огир мерос бўлиб колган маъмурий-буйрукбозлик тизимини тубдан ислох килиш, унинг ўрнида мохият эътибори билан бутунлай янги - эркин бозор муносабатларига асосланган хукукий давлат, демократик жамият барпо этишга азму карор килдик. Табиийки, бу максадга эришиш учун кандай стратегик йўл, ислохотларнинг кандай шакл ва усули маъкул экани хакида олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик, эл-юртимиз вакиллари билан биргаликда кўп ўйладик, атрофлича маслахатлашдик. Бу борада тараккий топган давлатлар мисолида ўзини оклаган илгор тажрибаларни чукур ўргандик.
Энг мухими, халкимизнинг хаёт тарзи, миллий анъана ва кадриятларимизни, ахолининг рухи ва кайфиятини хам хар томонлама хисобга олдик. Чунки хар кандай ислохотнинг пировард натижаси аввало унинг заруратини ахолининг кенг катламлари кай даражада тушуниши ва кўллаб-кувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон хаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу хакикатдан келиб чиккан холда, одамларга ислохотларнинг маъно-мохиятини аник-равшан тушунтириб бериш, шу асосда жамият аъзоларида ишонч уйготиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш мухим ахамиятга эга.
Ана шундай кенг микёсдаги ўрганиш ва хар томонлама изланишлар натижасида биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараккиёт моделини ишлаб чикдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари - яъни, иктисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, конун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислохотларни тадрижий асосда боскичма-боскич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён.
Таъкидлаш жоизки, бугун хаётда ўзини тўлик оклаган бу моделнинг негизида аввалambор хаётга реалистик караш, прагматик ёндашув мужассам, десак, айни хакикат бўлади.
Ёш давлатимиз мураккаб синов кунларини бошидан кечираётган бир пайтда, канчалик кийин бўлмасин, биз факат ўз куч ва имкониятларимизга таяниб ва суяниб иш тутишга мажбур эдик. Ана шундай вазиятда кўплаб ўткир ва кескин саволларга жавоб излаш ва топишга тўгри келди. Масалан, кайси давлат бизга канча ва кандай шартлар билан сармоя ва карз беради? Карз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан карз олиб, кейин унинг сиртмогига тушиб колмаймизми? Олган карз-кредитларимиз бўйнимизда огир юк бўлиб колиб кетмайдими?
Карз олиш осон, бу хаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш хам керак. Биз факатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни хам ўйлашимиз

керак. Биз хозир хато килиб кўйсак, фарзандларимиз келажакда кокилиб колишини хисобга олмасак, бу катта гунох бўлади.
Бугун, орадан неча йиллар ўтганидан кейин ўзига хос миллий тараккиёт йўлини танлаган дастлабки даврни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, бизнинг ислохотлар сиёсатимизда маънавий мезонлар доимо хал килувчи омил бўлиб келаётгани янада яккол аён бўлади. Ўша пайтда собик иттифок худудидаги айрим мамлакатларда «шок терапияси» деган усул билан бир сакраб бозор иктисодиётига ўтиш ёки алохида бир давлатда «демократия оролчаси» барпо этиш хакида канча-канча шов-шувлар кўтарилган эди.
Бугун табиий савол тугилади: кани ўша даъволарнинг амалий натижаси? Кани ўша бутун-бутун халклар ва мамлакатларга мисли кўрилмаган бахтли хаёт, фаровонлик ваъда килган зотлар?
Ўша пайтда собик совет худудида эндигина мустакилликка эришган ёш давлатларга нисбатан айрим кудратли мамлакатлар ва сиёсий марказларнинг манфаатларига жавоб берадиган ана шундай таги пуч тавсияларни таклиф килиш, уларни турли йўллар билан жорий этишга уриниш харакатлари нихоятда кучайган эди. Бундай кескин бир шароитда яккаю ягона тўгри йўлни адашмай танлаб олиш ва уни хар кандай хуружлардан катъият билан химоя килиш осон эмас эди.
Биз ўшанда четдаги «маслахатчи»ларнинг «доно кенгашлари»дан эмас, балки халкимизнинг хохиш-иродаси, юртимиздаги хакикий вазиятдан келиб чиккан холда огир-вазминлик билан, хар томонлама чукур ўйлаб сиёсат олиб бордик.
Албатта, мураккаб ўтиш даврида бошка кўпгина мухим вазифалар катори, халкимизнинг бугунги ва эртанги хаёти, унинг маънавий оламига зарар етишига, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, жумладан, ахолининг бир кисми ўта бойиб, аксарияти ўта кашшокликка юз тутишига йўл кўймаслик масаласи хам доимо диккат-эътиборимиз марказида турди.
Аслида, хар кандай ислохотнинг энг мухим самараси аввало халкнинг маънавий-рухий карашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг хаётига, такдирига дахлдор бўлганини чукур хис килиши ва шундан хулоса чикариши билан белгиланади. Биз амалга оширилаётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини кўйдик. Шунинг учун хам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг мохиятида ислохот - ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон хаёти учун хизмат килиши керак, деган максад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча сохаларда кўриш, кузатиш кийин эмас.
Агарки биз мустакилликка эришганимиздан сўнг боскичма-боскич ривожланиш йўлини эмас, балки «шок терапияси» деб ном олган инкилобий сакраш йўлини танласак, энг кийин вазиятларда аксарият ахолимиз кандай ахволга тушиб колган бўлар эди? Хеч шубхасиз, стихияли тарзда юз берадиган шиддатли ўзгаришлар тўфонида одамларнинг моддий турмуш шароити кескин ёмонлашиб, уларнинг хаёт тарзи, ахлокий кадриятлари, миллий-маънавий киёфаси бутунлай издан чикиб кетиши хеч гап эмас эди. Бир сўз билан айтганда, бундай бирёклама сиёсат хеч кутилмаган окибатларга, ўрнини юз йилларда хам тўлдириб, коплаб бўлмайдиган огир йўкотишларга олиб келиши мукаррар эди.
Шунинг учун хам биз, четдан хар канча таклиф ва тавсиялар, хатто талаблар бўлмасин, хеч качон инкилобий сакрашлар йўлидан бормадик. Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишта, бунёдкор хаёт, баркарор тараккиёт бундай ёндашувнинг накадар тўгри

бўлганини ва узокни кўзлаганини кўплаб сохалардаги ижобий натижалар мисолида тасдиклаб бермокда. Ўша масъулиятли пайтларда, биз кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган хар кандай инкилобий харакатларга каршимиз, бизнинг тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланган ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан хеч качон кайтмаймиз, деб айтган катъий сўзимиз, мустахкам позициямиз албатта бугун ўз хосилини бермокда.
Бизнинг ислохотлар давомида наинки моддий фаровонликка, айни пайтда маънавий юксалишга хам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз умумий тараккиётимизда бир томонга огиб кетмаслик, жамият хаётида сув билан хаводек зарур бўлган мувозанат ва баркарорликни таъминлашда мухим ахамият касб этмокда. Чунки бозор иктисодиёти хамма нарсани жойига кўяди, деган енгил-елпи карашга итоат килиб, факат моддий бойлик ортидан кувиш -халкимизнинг азалий орзу-интилишларига хам, инсонийлик билан йўгрилган миллий кадриятларимиз мохиятига хам тўгри келмас эди.
Шу боис ислохотларни амалга оширишда маънавият ва иктисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини кувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган коидани ўзимиз учун дастуриламал сифатида белгилаб олдик.
Маънавият ва иктисодиёт сохасининг минглаб хаётий масалалар, таъбир жоиз бўлса, жонли ришталар оркали ўзаро чамбарчас богланиб кетганини инобатга олиб, халкимизнинг рухияти, турмуш тарзи, кадимий урф-одат ва анъаналаримизга хар томонлама мос бўлган ислохотлар йўлини танладик.
Айникса, ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини ислохотларни жорий этишнинг асосий шартларидан бири тарикасида катъий белгилаб олганимиз иктисодиётнинг универсал талаб ва мезонларини миллий маънавиятимиз хусусиятлари билан уйгунлаштиришда гоят мухим ахамият касб этди.
Маълумки, мустабид тузум давридаги иктисодиёт бирёклама ривожланган, маъмурий-буйрукбозлик усулига асосланган бўлиб, халкнинг маънавий карашлари ва интилишларидан йирок эди. Ана шундай мушкул бир вазиятда давлатнинг ислохотчилик ролини тан олмаслик, бу масалани ўзибўларчилик холатига ташлаб кўйиш - эски тизимдан колган ночор ва хаста иктисодиёт ўз-ўзидан эркин бозор иктисодиётига, совет жамияти эса демократик жамиятга айланиб колади, деб хомхаёл килиш билан баробар эди.
Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократия авваламбор маънавий мезонлар асосида бошкариладиган, кучли хукукий давлат, кучли фукаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, хукукий давлат ва фукаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боглик бўлган икки жихати, икки канотидир. Айнан шу боис биз «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» концепциясини ишлаб чикдик ва бу гояни изчил амалга ошириш масаласига биринчи даражали ахамият каратиб келмокдамиз.
Эътиборли томони шундаки, ислохотларнинг дастлабки боскичидан бошлаб хозирга кадар кенг кўламли сиёсий, иктисодий-ижтимоий дастур ва режаларимизнинг барчасида халкимизнинг маънавий хаёти билан боглик масалалар алохида устувор йўналиш сифатида кун тартибига кўйилмокда.
Табиийки, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнида одамлар онгида, жамият мафкурасида туб ўзгаришлар содир бўлади. Бирок, баъзи бировларнинг хадиксираб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлокий кадриятларнинг киммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб колади, деган хавотирлари ўринсиз экани Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар мисолида яна бир бор яккол аён бўлмокда. Хозирги

кунда мамлакатимизда давлат бюджетининг 50 фоиздан зиёди ижтимоий сохага йўналтирилгани хам буни тасдиклайди.

## Учинчи боб
## Маънавиятга тахдид - ўзлигимиз ва келажагимизга тахдид Глобаллашув жараёнлари ва маънавий тахдидлар

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният хозирга кадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарк киладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шархловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, хар хил номлар билан атамокда. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изохламокда.
Албатта, бу фикрларнинг барчасида хам маълум маънода хакикат, рационал магиз бор. Чунки уларнинг хар бири ўзида бугунги серкирра ва ранг-баранг хаётнинг кайсидир белги-аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тарикасида таассурот уйготмокда. Бундай таъриф, менимча, кўп томондан масаланинг мохиятини тўгри ифодалайди. Нега деганда, хозирги пайтда ер юзининг кайси чеккасида кандай бир вокеа юз бермасин, одамзот бу хакда дунёнинг бошка чеккасида зудлик билан хабар топиши хеч кимга сир эмас.
Ана шундай глобаллашув феномени хакида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, хаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуктаи назардан караганда, бу жараён мутлако янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал мухитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтакавий муаммоларнинг жахон микёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмокда.
Глобаллашув жараёни хаётимизга тобора тез ва чукур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак - бугунги кунда хар кайси давлатнинг тараккиёти ва равнаки нафакат якин ва узок кўшнилар, балки жахон микёсида бошка минтака ва худудлар билан шундай чамбарчас богланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш кийин эмас.
Шу маънода, глобаллашув - бу аввало хаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир.
Хар бир ижтимоий ходисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни хам бундан мустасно эмас. Хозирги пайтда унинг гоят ўткир ва кенг камровли таъсирини деярли барча сохаларда кўриш, хис этиш мумкин. Айникса, давлатлар ва халклар ўртасидаги интеграция ва хамкорлик алокаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин харакати учун кулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютукларининг тезлик билан таркалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйгунлашуви, цивилизациялараро мулокотнинг

янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши - табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмокда.
Айни пайтда хаёт хакикати шуни кўрсатадики, хар кандай тараккиёт махсулидан икки хил максадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, хаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу гоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли гоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун хам давом этаётганини кўрамиз.
Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги харакатлар шу кадар тигиз, шу кадар тезкорки, энди илгаригидек, ха, бу вокеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алокаси йўк, деб бепарво караб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халк ёки миллат тараккиётдан юз йиллар оркада колиб кетиши хеч гап эмас.
Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жихати шундан иборатки, хозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг нихоятда ўткир куролига айланиб, хар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат килаётганини соглом фикрлайдиган хар кандай одам, албатта, кузатиши мукаррар.
Бу хакда гапирганда, мен илгари билдирган баъзи фикрларни такрорлаш ўринли, деб ўйлайман.
Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан хам кўпрок кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огох бўлишга ундовчи томони шундаки, агар харбий, иктисодий, сиёсий тазйик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйикни, унинг таъсири ва окибатларини тезда илгаб етиш нихоятда кийин.
Мана шундай вазиятда одам ўз мустакил фикрига, замонлар синовидан ўтган хаётий-миллий кадриятларга, соглом негизда шаклланган дунёкараш ва мустахкам иродага эга бўлмаса, хар турли маънавий тахдидларга, уларнинг гох ошкора, гох пинхона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримахол. Буни кундалик хаётда учраб турадиган кўплаб вокеалар мисолида яккол кузатиш мумкин ва уларнинг кандай огир окибатларга олиб келишини узок тушунтириб ўтиришнинг хожати йўк, деб ўйлайман. Ўтган йиллар давомида дунёда ва минтакамизда рўй берган, биз бевосита ўз бошимиздан кечирган вокеалар, мафкуравий жараёнларнинг ривожи бу хулосанинг тўгри эканини кайта-кайта исботламокда.
Бугунги кунда ёшларимиз нафакат ўкув даргохларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар оркали хам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмокда. Жахон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини факат ўраб-чирмаб, уни ўкима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, хеч шубхасиз, замоннинг талабига хам, бизнинг эзгу максад-муддаоларимизга хам тўгри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга катъий максад килиб кўйганмиз ва бу йўлдан хеч качон кайтмаймиз. Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз кобигимизга ўралиб колган холда эмас, балки умумбашарий ва демократик кадриятларни чукур ўзлаштирган холда тасаввур этамиз. Биз истикболимизни тараккий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошкарувини эркинлаштириш, инсон хукук ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз хаётимизга янада кенгрок жорий килишда кўрамиз. Биз бутун

маърифатли дунё, халкаро хамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон хаёт кечириш, ўзаро манфаатли хамкорлик килиш тарафдоримиз.
Биз учун шундай йўл маъкул, унинг бошка мукобили йўк.
Мухтасар килиб айтганда, ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлик вужудга келмаслиги учун уларнинг калби ва онгида соглом хаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга хурмат-эхтиром туйгусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.
Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига карши йўналтирилган, бир карашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар хам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини хеч нарса билан коплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.
Хаммамиз яхши биламизки, хар кайси давлатнинг чегараларини дахлсиз саклашда харбий куч-кудрат, куролли кучлар сув билан хаводек зарур. Аммо халкимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий.
Мен, хаётда кўп бора ўз тасдигини топган хакикатдан келиб чиккан холда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга карши доимо сергак, огох ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай тахдидларга карши хар томонлама чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.
Барчамизга аён бўлиши керакки, каердаки бепарволик ва локайдлик хукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб кўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуктага айланади. Ва аксинча - каерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак акл-идрок ва тафаккур хукмрон бўлса, ўша ерда маънавият кудратли кучга айланади.
Айникса, бугунги кунда халкаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олга силжитиш» никоби остида амалга ошираётган, узокни кўзлаган сиёсатнинг асл мохияти ва максадларини ўз вактида сезиш, англаш катта ахамият касб этади.
Шу борада айрим кудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган худудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай гаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтакаларида тинч хаётнинг издан чикиши, хокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат киладиган кучларнинг келиши билан боглик мисолларда кўриш кийин эмас.
Ана шундай вазиятни хисобга олган холда, яна ва яна бир бор халкимизнинг маънавий оламини бундай тахдидлардан асраш, хозирги ўта мураккаб бир замонда халкаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб мохиятига етиб бориш, улар хакида холис ва мустакил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, десак, хеч кандай хато бўлмайди.
Биз юртимизда янги хаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алохида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлок нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоявий бўшликдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлако ёт бўлган, маънавий ва ахлокий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.
Табиийки, «оммавий маданият» деган никоб остида ахлокий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини таркатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан

бойлик орттириш, бошка халкларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга каратилган хатарли тахдидлар одамни ташвишга солмай кўймайди.
Хозирги вактда ахлоксизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик саркити деб караш билан боглик холатлар бугунги тараккиётга, инсон хаёти, оила мукаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмокда ва кўпчилик бутун жахонда бамисоли бало-казодек таркалиб бораётган бундай хуружларга карши курашиш накадар мухим эканини англаб олмокда.
Бу хакда фикр юритганда, бизнинг улуг аждодларимиз ўз даврида комил инсон хакида бутун бир ахлокий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шаркона ахлок кодексини ишлаб чикканликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайкал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму хаё, ибо ва иффат каби юксак ахлокий туйгу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато килмаган бўламиз.
Шу нуктаи назардан караганда, уят - ўлимдан каттик, деган гаплар халкимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча, бундай иборалар эл-юртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлокий кадриятларнинг асл мазмунини ифода этади.
Дархакикат, уят ва ор-номусини йўкотган одам, Ахмад Яссавий бобомиз айтганидек, худдики хайвон жинсига айланиб колади. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг: Олдига кўйганни емак - хайвон иши,
Огзига келганни демак - нодон иши, -
деган чукур маъноли сўзлари хам бу фикрни тасдиклаб беради.
Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон вокеликка очик кўз билан, реал ва хушёр карашни, жахонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий тахдид ва хатарларни тўгри бахолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоклар чикариб яшашни талаб этмокда. Шу боис юртдошларимиз, айникса, ёш авлод онгида мураккаб ва тахликали хаёт хакида, унинг шафкатсиз ўйинлари тўгрисида бирёклама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак.
Фикрга карши фикр, гояга карши гоя
Хозирги вактда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иктисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чукур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга карши фикр, гояга карши гоя, жахолатга карши маърифат билан курашиш хар качонгидан кўра мухим ахамият касб этмокда.
Маълумки, хар кандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга карши иммунитет хосил килинади. Биз хам фарзандларимизни она Ватанга мухаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг мукаддас динига садокат рухида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг калби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чукур англайдиган, замон билан баробар кадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жохил акидапарастларнинг «даъвати» хам, ахлок-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлако бегона гоялар хам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.
Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан химоя килиш хакида гапирганда, нафакат халкимизни улуглайдиган буюк хусусиятлар, айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан колиб келаётган номаъкул одатлар хакида

хам очик сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва локайдлик, кариндош-уругчилик ва махаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошкаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўгрисида ўйлашимиз лозим. Мен бу ўта мухим вазифа кенг жамоатчилигимизнинг, айникса, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият ахли, ўзини маънавият сохасига багишлаган барча инсонларнинг доимий диккат марказида бўлишини истардим. Бу ўринда ана шундай салбий хусусиятларнинг энг хунук кўриниши бўлмиш хасад тўгрисида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Одамзот ва жамият хаётида огир асоратлар колдирадиган хасад туйгуси авваламбор бошкаларни кўролмаслик, уларнинг ютугидан кувониш ўрнига, кандайдир куйиниш, ичикоралик окибатида пайдо бўлади. Шунинг учун хам мукаддас китобларимизда хасад инсонийликка мутлако зид бўлган жирканч одат сифатида каттик кораланади. Жумладан, муборак хадисларда «Бировга хасад килишдан сакланинг, чунки олов ўтинни кандай куйдириб тугатса, хасад хам килган савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади», деб айтилгани бежиз эмас.
Азал-азалдан очиккўнгил, самимий ва мехнаткаш, яхшиликни юксак кадрлайдиган халкимиз бундай иллатлардан доимо хазар килиб келади. Лекин, минг афсуски, умр йўлларида хасад балосига кўп дуч келамиз. Олис ва якин тарихимизда не-не буюк зотлар хасад ва бахиллик, кўролмаслик туфайли кандай азоб-укубатларни бошидан кечиргани, соглиги, хатто хаётидан жудо бўлганини аччик мисолларда кўриш мумкин. Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халкимизнинг юксак салохиятини, унинг кандай буюк ишларга кодир эканини дунёга намойиш килишда юртимиз заминидан етишиб чиккан юзлаб улуг зотлар фидоийлик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар диёримизда хозир хам кўплаб топилади ва бундан кейин хам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади. Хамма гап ана шундай инсонларга хайрихохлик билан муносабатда бўлиш, уларни кўллаб-кувватлашда. Агар биз мамлакатимизнинг кайси шахар ёки кишлогида бўлмасин, йилт этган истеъдод учкунини кўрганда, хаммамиз уни ўз вактида пайкаб, ардоклаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-харакат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб максадга каратсак, мухтасар айтганда, хасад килиб эмас, хавас килиб яшашни хаётимиз коидасига айлантирсак, хеч шубхасиз, биз миллий тараккиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз.
Бу хакда гапирар эканмиз, маънавий хаётимизга жиддий хавф соладиган яна бир иллат хакида тўхталиб ўтмокчиман. Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўк. Бу -соткинликдир. Мен хар кандай ёвузликни соткинликдан кўраман. Эзгулик ва хакикатга садокати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўркинчлидир. Табиатида соткинлик хусусияти бўлган одам рахбарлик курсисига ўтириб колса борми, у ерда осойишталик йўколди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни хам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боис бундай одамлардан огох бўлишимиз, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим. Агар теварак-атрофимиздаги бирорта кишида шундай аломатлар сезилаётган бўлса, уларни дархол тарбиямизга олиб, тўгри йўлга бошлашимиз керак.
Шу муносабат билан тарихда кўп марта ўз тасдигини топган, мен хам ўз тажрибамда синаган хаётий бир хакикатни яна бир бор такрорлашни зарур деб хисоблайман: агар биз ахил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан соткин чикмаса, ўзбек халкини хеч ким хеч качон енга олмайди.

Бу хаётда одам баъзан ўзини йўкотиб кўядиган гоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чикишнинг иложи йўкдек туюладиган холатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва хаётда, жамиятда огир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўкотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, рухий дунёси, маънавий олами бакувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруг юз билан чика олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради.
Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси хам кучайиб боради, десак, янглишмаган бўламиз. Ирода - бу аслида мустахкам ишонч демакдир. Иродаси бакувват одам ўзига ишонади ва хар кандай мураккаб вазифани хам ўз зиммасига олишдан кўркмайди. Шунинг учун хам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, локайд караб туролмайди. Хеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, кўлидан келганча ёрдам беришга, кийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга харакат килади.
Лекин бировнинг хаётига, ён-атрофда содир бўлаётган вокеа-ходисаларга бетараф ва бепарво караб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан кўркиш керак. Улардан хеч качон яхшилик чикмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар хатто ўз халки ва Ватани такдирига хам бамисоли бегона одамдек карайди.
Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан хам хавфлирокдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл киёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бирок локайд ва бепарво одамнинг киёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга карши тиш кайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.
Машхур файласуфлардан бири ана шу хаётий хакикатни чукур тахлил этиб, куйидаги хакконий фикрларни баён килган: «Душманлардан кўркма - нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўркма - нари борса, улар сенга хиёнат килиши мумкин. Бефарк одамлардан кўрк - улар сени ўлдирмайди хам, сотмайди хам, факат уларнинг жим ва бепарво караб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва котилликлар содир бўлаверади».
Хар бир инсон хаётида гоят мухим ахамиятга эга бўлган ана шундай фикрларни униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш, уларни хаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, рахбар-рахнамо сифатидаги, шу мукаддас юрт фукароси сифатидаги мукаддас бурчимиздир.
Бу борадаги энг долзарб вазифамиз - юкорида зикр этилган барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги кирраларини мукаммал очиб бериш, ўкувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда килиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият курилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат.
Бунинг учун авваламбор тараккиётимизнинг хар бир йўналиши -жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маънавий муносабатларнинг ривожи хакида махсус адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.
Албатта, бу масала бўйича ижтимоий фанлар сохасида маълум ишлар килинмокда, аммо холисона айтадиган бўлсак, бу борада чоп этилган кўпчилик дарсликлар, ўкув кўлланмалари, оммабоп адабиётларнинг хам, аксарият соха мутахассисларининг хам савияси талаб даражасида эмаслигини кайд этишга мажбурмиз. Бундай нохуш холатларга бархам бериш вакти келди.
Хеч шубхасиз, юртимизда эркин, адолатли ва фаровон хаёт куриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури хам ўзига хос, шу

билан бирга, мутлако янгича маъно касб этиб бормокда. Хусусан, шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун ва шакл топиб, янги хусусиятлар, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганини сезиш, англаш кийин эмас. Бинобарин, буларнинг барчаси янгича кадриятлар ва демократик принциплар мохиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этишга интилаётган эркин фукаролик жамияти талабларига жавоб берадиган муносабатлар сифатида ижтимоий фанларнинг асосий тадкикот мавзуларига айланиши даркор.
Бу борадаги энг мухим вазифа шундан иборатки, хар кайси фукаро, хар кайси инсон жамият тараккиёти ва уни янгилашга, маънавий хаётимизни турли тахдид ва хуружлардан химоя килиш масаласига бўлган ўз бурчи ва масъулиятини айнан ана шу асосда аниклаб олиши зарур.
Бу масала хакида чукуррок ўйлаб кўрадиган бўлсак, шу тамойилларга таянган жамиятнинг ўзига хос ижтимоий шакл-шамойили, унинг киёфаси, ривожланиш йўллари, устувор хусусиятлари тўгрисидаги аник тасаввур турли фикр, бахс-мунозаралар оркалигина аён бўлишини эътироф этишимиз ва буни ўзимизга мезон килиб олишимиз зарур.
Бундай кенг кўламли ва ўта мухим масалаларни хал килишда давлатимиз ва жамиятимиз ижтимоий фанлар сохасида фаолият олиб бораётган илмий-тадкикот институтлари, олий ўкув юртлари, турли ижтимоий марказлар, аввало, Маънавият таргибот маркази, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан хар томонлама асосланган чукур таклиф ва тавсияларни кутишга тўла хаклидир.
Айникса, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жихатдан атрофлича тахлил килиш ва бахолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага карши каратилганини аниклаш, ахоли турли катламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, хаёт тарзимизга зид бўлган зарарли гоялар ва мафкуравий хуружларнинг мохиятини очиб бериш, фукароларимиз калбида миллий тафаккур ва соглом дунёкараш асосларини мустахкамлаш алохида ахамият касб этади.
Факат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга карши собит тура олишга кодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Бу борада маънавий-маърифий таргибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга каратилган самарали усул-услубларни ишлаб чикиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва кўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда мухим вазифамизга айланиб бораётганини чукур тушуниб олишимиз зарур.

## Тўртинчи боб
## Ватанимиз тараккиётининг мустахкам пойдевори Инсон калбига йўл

Ушбу китобнинг олдинги бобларида биз маънавиятнинг мазмун-мохияти, уни шакллантирадиган асосий омиллар, маънавий ва моддий хаёт уйгунлиги, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг маънавий мезонлари хакида,

шунингдек, бугунги глобаллашув даврида маънавий оламимизни турли салбий таъсир ва тахдидлардан асраш ва химоя килиш билан боглик муаммолар хусусида батафсил тўхталиб ўтдик.
Шуни алохида таъкидлаш керакки, хар кайси инсон ва жамиятнинг маънавий дунёсига айнан шундай кўз билан караш, одамни онгли яшашга, етукликка чорлайдиган бундай бекиёс кудрат манбаининг хаётимиздаги ўрни ва ахамиятини чукур ва атрофлича тахлил килиш мухим бир хакикатни, яъни юксак маънавият - енгилмас куч эканини англатади ва тасдиклайди.
Шу ўринда табиий бир савол тугилади: маънавиятни чиндан хам ана шундай кудратли кучга айлантириш учун биз кандай масалаларга биринчи галда эътибор беришимиз, кандай ишларни амалга оширишимиз зарур?
Маънавият хакида хар канча даъватлар, мухим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни хар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган максадга эришолмаймиз, яъни, инсон калбига йўл тополмаймиз.
Шунинг учун хам биз бугунги кунда таълим-тарбия сохасидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернет ва бошка оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусика, рассомлик ва хайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг калби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча сохалардаги фаолиятимизни халкнинг маънавий эхтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги боскичга кўтаришимиз зарур.
Айникса, барча даврларда хам гоят мураккаб ва масъулиятли бўлган бу ишларни ўз зиммасига олган, эски колиплардан воз кечиб, бу сохада янги йўлларни очиб бераётган, одамларнинг дунёкарашини янада бойитиш учун тинимсиз мехнат килаётган фидойи инсонларнинг бир карашда кўзга ташланмайдиган, лекин катта кунт, билим ва тажрибани талаб киладиган интилиш ва амалий харакатларини кенг кўллаб-кувватлашимиз, уларнинг самарали натижаларга эришиши учун хар томонлама шароит яратиб беришимиз лозим.
Бу хакда гапирганда, шуни таъкидлаш жоизки, ана шу соха вакиллари, яъни ўкитувчи ва мураббийлар, ёзувчи ва журналистлар, кино ва театр ахли, мусикачилар ва рассомлар, умуман, зиёлиларимиз халкимиз учун янгича вокелик бўлмиш бозор иктисодиётига ўтиш даврида жамият олдидаги маънавий бурчини чукур хис этган холда, ўз истеъдод ва махоратини аямасдан астойдил мехнат килмокда.
Барчамизга аёнки, инсон калбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун качонки бу хакда гап кетса, аждодларимиз колдирган бебахо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз катори биз учун энг якин бўлган яна бир буюк зот - ўкитувчи ва мураббийларнинг олижаноб мехнатини хурмат билан тилга оламиз.
Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур сохибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаккатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати накадар бекиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур киламиз.
Бу ёруг оламда хар бир одам ўзининг мехрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан хамиша миннатдорлик туйгуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида кандай ютук ва натижаларга эришмасин, каерда, кандай лавозимда ишламасин, мактаб даргохида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан ахамиятга эга экани шубхасиз.

Мухтасар айтганда, мактаб деган улуг даргохнинг инсон ва жамият тараккиётидаги хиссаси ва таъсирини, нафакат ёшларимиз, балки бутун халкимиз келажагини хал киладиган ўкитувчи ва мураббийлар мехнатини хеч нарса билан ўлчаб, киёслаб бўлмайди.
Шу нуктаи назардан караганда, маърифатпарвар боболаримизнинг фикрини давом эттириб, агарки дунё иморатлари ичида энг улуги мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўкитувчилик ва мураббийликдир, десак, ўйлайманки, айни хакикатни айтган бўламиз. Чиндан хам, ўкитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мургак калбларга эзгулик ёгдусини бахш этадиган, ўз ўкувчиларига хакикатан хам хаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир. Она тилимизда «мактаб кўрган», «мактаб яратган» деган чукур маъноли ибораларнинг мавжудлиги хам бу мукаддас даргохнинг, захматкаш ўкитувчи мехнатининг давлат ва жамият хаётида канчалик мухим ўрин тутишидан далолат беради.
Биз юртимизда 1 октябрь санасини Ўкитувчилар ва мураббийлар куни сифатида умумхалк байрами деб эълон килганимизнинг чукур маъноси бор, албатта.
Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва махорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва калб кўри, бутун борлигини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат киладиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халкимизнинг азалий хурмат-эхтиромининг яккол намунасидир.
Янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашда хозирги пайтда махаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини ўзи бошкариш идорасига айлантиришга катта хисса кўшиб келаётган махалла оксоколлари ва фаоллари, фукаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлокий масалалар бўйича маслахатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормокда. Айнан ана шу инсонларнинг одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вактида бераётган амалий ёрдамлари, тўгри ва ўринли маслахатлари туфайли оила ва махалла мухитида, бутун диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро мехр-окибат туйгулари кучайиб бораётганини эл-юртимиз юксак кадрлайди. Айникса, ёш йигит ва кизларимизнинг мустакил хаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин топишида бу фидойи ва мехрибон, жонкуяр одамларнинг канчалик мухим роль ўйнаётганини хурмат билан эътироф этишимиз лозим.
Жамиятимиз маънавиятини юксалтириш билан боглик жараёнларнинг мураккаб томони шундаки, бугунги кунда бошимиздан кечираётган ижтимоий-сиёсий тараккиёт йўлида учрайдиган жуда кўп муаммоларни хам назарий, хам амалий жихатдан факат ўз кучимиз ва салохиятимизга таяниб хал этишга тўгри келмокда.
Шу максадда мустакилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий натижаси ўларок, адабиёт ва санъат, маданият, матбуот сохаси мафкуравий тазйикдан бутунлай халос бўлганини кайд этиш жоиз. Хар кандай ижод намунаси, бадиий асар синфий бўлиши ва кандайдир гояга, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат килиши керак, деган карашлар бугун ўтмишга айланди. Эркин ижод учун, миллий кадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халкимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун хаётини тўлаконли ва хакконий акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди.
Бугунги кунда ўз хаётини ана шундай масъулиятли сохага багишлаган кўплаб истеъдод сохиблари юртимизда янги хаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустахкамлаш, комил инсонни тарбиялаш йўлида муносиб хисса кўшиб келмокда. Айникса, хозирги

вактда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий тахдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини химоя килишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод ахлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормокда.
Нега деганда, бизнинг миллий рухимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини факат танкид ва инкор килиш ёки уларни такиклаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан хаётимизни асраш, маънавий бўшликка йўл кўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний гоялар ва юксак махорат билан яратилган асарлар оркали халкимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошкача айтганда, бугун жахон майдонида юз бераётган кескин акл-заковат ва истеъдод мусобакасида беллашувга кодир бўлишимиз шарт.
Шу нуктаи назардан караганда, хозирги пайтда хаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вактнинг ўзида хам ахборот майдони, хам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озик берадиган ва хордик чикарадиган макон вазифасини бажармокда, десак, хато бўлмайди.
Шу сабабли ўткир таъсир кучига эга бўлган телевидение ва радио сохасини изчил тараккий эттириш жамиятнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиий. Хозирги кунда мамлакатимиздаги асосий миллий теле-радиоканаллар ахолининг холис ва хакконий ахборотга эга бўлиш хукукини таъминлаш, юртдошларимизнинг маданий савияси, билим ва дунёкарашини ошириш, кадимий анъаналаримиз, тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу билан бирга, фукароларимиз онгида демократик кадриятлар, гражданлик позициясини шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва умуминсоний кадриятларга хурмат рухида тарбиялаш йўлида муносиб хизмат килаётганини таъкидлаш керак.
Айни вактда хали бу сохада олдимизда амалга оширишимиз зарур бўлган кўпгина максадлар турганини хам айтиш лозим. Аввало, телевидениени давлат ва жамиятимизни бамисоли бир кўприкдек боглаб турадиган жонли мулокот воситасига айлантириш, эфир оркали бугунги куннинг долзарб муаммоларини кўпрок акс эттириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, фукароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, хар кайси инсоннинг ўз мустакил фикрини ифода этишига имкон бериш, турли ижтимоий тоифа ва гурухларнинг кизикиш ва интилишлари, хаётий манфаатларини ёритиб бориш масалаларига алохида эътибор каратиш зарур.
Хозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай кудратли кучга айланмокдаки, ўз келажагини ўйлайдиган хар кайси халк ва миллат буни сезмаслиги, хис этмаслиги мумкин эмас.
Шу сабабли хам оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танкид рухини кучайтириш биз учун энг мухим максадлардан бири бўлиб колмокда.
Жахон микёсида вокеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, Интернетнинг бекиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоклари, жумладан, телевидение ва радио сохасида хизмат килишга ўзини багишлаган, етук мутахассис бўлишга ахд килган ва бу сохада ўз келажагини кўрмокчи бўлган оммавий ахборот

воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз яхши англаймиз.
Бугунги кунда хар кайси матбуот ходими касб махоратини эгаллаш билан бирга, ўз хаётий принципларига хам эга бўлиши, хакикат учун курашишга интилиши, шу йўлда катъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда килиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб килмокда.
Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир кудратли восита борки, у хам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон рухининг мухандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.
Халкимиз орасидан мана шу гоят машаккатли сохага бутун хаёти ва ноёб истеъдодини багишлаб, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлар яратган буюк сўз санъаткорлари - уларни барчасининг номларини зикр этиш, албатта, кўп вактни талаб килган бўлур эди - етишиб чиккани билан барчамиз хакли равишда фахрланамиз.
Адабиёт, сўз санъати азалдан халк калбининг ифодачиси, хакикат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустакиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг гоят мухим ва узвий кисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу мехнатини кадрлаш ва муносиб рагбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз хосилини бераётгани, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жихатидан хам, жанрлар нуктаи назаридан хам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халкимизни албатта кувонтиради. Буларнинг барчаси миллий тикланиш жараёнлари калам ахлининг ижодий изланишлари учун кандай катта уфклар очиб берганини яна бир бор кўрсатади. Дейлик, хозирги пайтда тарихий мавзуни ёритишда - бу Имом Бухорий ёки Имом Термизий бўладими, Жалолиддин Мангуберди ёки Амир Темур сиймосини яратиш бўладими, олис ва якин ўтмишимизнинг хали очилмаган сахифаларини акс эттириш бўладими - буюк аждодларимизнинг ибратли хаёт йўли тасвирланган кўплаб асарлар дунёга келмокда.
Совет мафкураси хукмрон бўлган замонларда бу хакда сўз очиш, кўхна ва бой тарихимизга бундай муносабатда бўлиш «тарихни идеаллаштириш» деб танкид килиниб, тазйик ўтказиб келганини ўша даврларни бошидан кечирган, коммунистик мафкура жабрини тортган ёши улуг адибларимиз албатта яхши эслайдилар.
Хаммамиз яхши тушунамиз - адабиётда тарихий хакикатни тиклаш билан бирга, халкимиз адибларимиздан бугунги кунимиз хакида, замонамиз кахрамонлари хакида янги-янги асарлар кутаётгани табиийдир. Кейинги йилларда ана шундай рух билан йўгрилган бир канча шеърий асарлар пайдо бўлаётганини мамуният билан таъкидлаш жоиз.
Ишонамизки, ёзувчи ва драматургларимиз хам бугунги авлодларнинг фидокорона мехнати, бунёдкорлик салохияти, замондошларимизнинг маънавий-рухий дунёси, хаётга кириб келаётган ва хал килувчи кучга айланаётган ёшларимизнинг пок орзу-интилишлари ўзининг теран бадиий ифодасини топган янги асарлар билан халкимизни хушнуд этадилар.
Бугунги кунда халкаро хамжамият сафидан муносиб ва мустахкам ўрин эгаллаб бораётган Ўзбекистонимизга, унинг тарихан киска даврда кўлга киритган улкан марраларига, эл-юртимизнинг маънавий илдизлари, урф-одат ва анъаналарига, бир сўз билан айтганда, ўзбек характери, ўзбек табиатига бутун дунёда кизикиш ва хурмат тобора ортиб бормокда. Табиийки, узок-якиндаги хорижий дўсту биродарларимиз, жахон жамоатчилиги энг аввало бизнинг замонавий адабиётимиз ва санъатимиз оркали

ўзларини кизиктирадиган ана шундай саволларга жавоб топишни истайди.
Кейинги йилларда миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларга таржима килиш ва шу асосда халкимизнинг хаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида хам катта имкониятлар пайдо бўлмокда. Лекин, афсуски, бу масалада биз хали-бери кўзга кўринадиган амалий натижаларга эриша олганимиз йўк.
Илгари ўзбек адабиётининг намуналарини бошка тилларга таржима килиш асосан учинчи тил, яъни рус тили оркали амалга оширилар эди. Бу борада килинган катта ишларни муносиб бахолаган холда, эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан гарб ва шарк тилларига таржима килишга каратилган ишларни кучайтиришимиз зарур. Бунинг учун хорижий тилларни, адабиёт ва бадиий таржима санъатининг назарий ва амалий жихатларини хар томонлама пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш имкониятлари бизда мавжуд.
Узок йиллар давомида ўзбек адабиётини тўгридан-тўгри она тилимиздан таржима килиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўкув юртларида таълим олаётган истеъдодли ўгил-кизларимизни мана шу машаккатли, айни пайтда олижаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боглик бўлган ташкилий-амалий вазифаларни хал килишимиз максадга мувофик бўлур эди.
Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмокчи, унинг кадимий тарихи ва ёруг келажагини улугламокчи, уни авлодлар хотирасида бокий сакламокчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуг адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса - миллат яшайди.
Инсоннинг рухий камолоти хакида гапирар эканмиз, албатта бу максадга мусика санъатисиз эришиб бўлмайди. Халкимиз хаётида мусика азалдан бекиёс ўрин тутиб келади. Самарканд якинидаги Мўминобод кишлогидан 3 минг 300 йил мукаддам суякдан ясалган най чолгуси топилгани хам шундан далолат беради.
Мусика садолари кайси халк ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади. Машхур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусикий анжуманлар хакида тўхталиб, «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, газалу накш айтур эрдилар. Ва турку мўгул, хитойу араб ва ажамдин хар ким ўз расми билан нагма айтур эрди», деган маълумотларни келтиради.
Мустакиллик йилларида, улуг боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган холда, мамлакатимизда мусика санъатини кенг ривожлантиришга каратилган дастур ва режалар амалга оширилмокда. Жумладан, мумтоз мусикий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш максадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халкаро мусика анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмокда.
Барчамизга аёнки, куй-кўшикка, санъатга мухаббат, мусика маданияти халкимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошка чолгу асбоби бўлмаган, мусиканинг хаётбахш таъсирини ўз хаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш кийин, десак, муболага бўлмайди.
Энг мухими, бугунги кунда мусика санъати навкирон авлодимизнинг юксак маънавият рухида камол топишида бошка санъат турларига караганда кўпрок ва кучлирок таъсир кўрсатмокда.
Бу масалада айникса ёшлар калбини ўзига хар томонлама жалб этадиган эстрада санъатининг ахамияти бекиёс эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Айтиш мумкинки, ўтган асрнинг бошларида илк намуналари пайдо бўлган ўзбек эстрадаси истиклол йилларида сифат жихатидан янги боскичга кўтарилди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусика санъати ютукларини, жахон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, бу соха ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш истеъдодларнинг ўзини намоён этиши учун яратилаётган кулай шарт-шароитлар мухим роль ўйнамокда.
Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожи хакида сўз юритар эканмиз, аввалambор «миллий эстрада» деган иборанинг маъно-мазмунига алохида эътибор беришимиз, уни хар кандай бегона таъсирдан, айникса, «оммавий маданият» рухидаги окимлар таъсиридан химоя килишимиз табиий, албатта. Бу хакда гапирганда, бир холатни афсус билан айтишга тўгри келади. Айрим ёш ижрочи ва ижодий гурухларнинг жамоатчилик эътиборига такдим этаётган «асар»лари санъатнинг хеч кандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафакат мавзу ва мусика, ижро усуллари, балки сахна харакатларида хам очикдан-очик ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига таклид килиш, «юлдузлик» касалига чалиниш холатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан колмайди, албатта.
Айникса, бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлок-одоб коидаларига мутлако тўгри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни кориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб харакатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун кандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг мохияти ва ахамиятини тушунмасликдан бошка нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, аввалambор мусикашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очик билдириб бориши, шу тарика ёшларимизга тўгри тарбия беришимиз хам карз, хам фарз, деб ўйлайман.
Биз учун ахлокий жихатдан номаъкул, миллий кадрият ва карашларимизга ёт бўлган, лекин хозирги вактда хаётимизга кириб бораётган мана шундай кўринишларни бамисоли юкумли касаллик деб кабул килишимиз лозим. Ва айни шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли холат эканини англашимиз зарур.
Нега деганда, агар инсоннинг кулоги енгил-елпи, тумтарок охангларга ўрганиб колса, бора-бора унинг бадиий диди, мусика маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши хам хеч гап эмас. Охир-окибатда бундай одам «Шашмаком» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини хам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини хам кабул килиши кийин бўлади.
Бундай холатларнинг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соглом ижодий мухит ташкил килиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жахон мусика маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг бахраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мусикий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта мухим ахамият касб этади.
Качонки миллий маданиятимизнинг узвий кисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудийнинг «Театр - бу ибратхонадур», деб айтган фикрини эслаш ўринлидир.
Бизнинг миллий театр санъатимиз тарихан жуда катта йўлни босиб ўтган бўлиб, унинг кадимий илдизлари халк ўйин ва томошаларига бориб богланади. Лекин ХХ асрга келиб ўзбек театр санъати янгитдан - юртимиз ва жахон микёсида шаклланган, даврлар

синовидан ўтиб келаётган анъана ва тажрибалар асосида вужудга келгани ва камол топганини эътироф этиш зарур. Хусусан, пойтахтимиз ва вилоят театрларида намойиш этилган дунё сахна санъатининг мумтоз намуналари ўз вактида нафакат юртимиз, балки чет эл томошабинларини хам хайратда колдиргани бу фикрни исботлайди. Шу билан бирга, театр ижодкорларимиз томонидан яратилган кўплаб миллий рухдаги сахна асарлари хорижий мамлакатларда хам муваффакият билан ижро этиб келинади. Таъкидлаш жоизки, хозирги вактда республикамиз театрларида турли мавзу ва жанрларда кўплаб спектакллар яратилмокда, ўзига хос ижодий изланишлар давом этмокда.
Айни пайтда театр санъатимизда хам бугунги хаётимизни, замонамиз кахрамонлари киёфасини хар томонлама чукур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, хам драматургия, хам режиссура нуктаи назаридан бадиий юксак асарлар, афсуски, кам эканини тан олишимиз лозим. Аксинча, реал хакикатдан йирок, одамга катта маънавий озик бермайдиган асарлар билан театрлар кассасини тўлдириш холатлари кўпрок кўзга ташланмокда.
Албатта, хозирги даврда бозор иктисодиёти талабларини хам инобатга олиш керак. Лекин юксак бадиият ва хакконийлик, эзгу максадларга хизмат килиш рухи билан сугорилган асарлар яратиш - барча санъат турлари каби бу соха учун хам асосий мезон бўлиши табиий. Бу максадга эришиш учун ёш ва истеъдодли драматург ва режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялаб вояга етказиш айникса долзарб ахамият касб этади.
Энг оммавий санъат тури бўлмиш кино сохасини оладиган бўлсак, ўз вактида бу борада бизда ўзига хос ижодий мактаб яратилганини мамнуният билан кайд этиш лозим. Шахсан мен хар сафар «Тохир ва Зухра», «Ўтган кунлар», «Сен етим эмассан», «Махаллада дув-дув гап» каби мумтоз фильмларимизни кўрганда бу хакикатга ишонч хосил киламан. Мана шундай том маънодаги миллий асарлар нафакат халкимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал кадриятларини бутун дунёга танитишга хам катта хисса кўшиб келмокда.
Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият хаётига таъсири бекиёс эканини хисобга олган холда, истиклол йилларида миллий кинематографияни хам хар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмокда, улар оркали тарихимиз ва бугунги хаётимиз билан боглик турли мавзулар ёритилмокда. Ўзбек кинолари нуфузли халкаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани, албатта, кувонарлидир.
Лекин шуни хам холисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чукур таъсир кўрсатадиган замонавий кахрамон образи кино экранларимизда хали яратилганича йўк. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг хакикий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чукур хис эта олмаслиги, оддий одамлар хаётидан узоклашиб колгани сезилиб туради.
Бунинг сабаблари хакида кўп гапириш мумкин. Лекин асосий сабаблардан бири шундаки, киносанъати сохасида кадрлар тайёрлайдиган олий ўкув юртлари илгари Ўзбекистонда умуман мавжуд эмас эди. Собик Марказдаги кино институтларида таълим олган оз сонли ўзбек режиссёрлари ва кинодраматурглари эса, афсуски, миллий рух, миллий заминдан бегона бўлган мутахассислар бўлиб етишар эди ва ана шундай холатнинг салбий асорати ва таъсири аксарият киноижодкорларимиз фаолиятида хозирга кадар сакланиб келмокда.

Шунинг учун кейинги йилларда миллий кинодраматург ва режиссёрлар тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди. Чунки, буни очик тан олишимиз керак - профессионал кино мутахассислари, хусусан, режиссёрлар, сценаристлар тайёрлайдиган том маънодаги миллий мактаб ўзимизда ханузгача шаклланган
йўк.
Бу ахволни тубдан ўзгартириш учун юксак бадиий махорат билан бир каторда, миллий тафаккур салохиятига эга бўлган истеъдодли ёшларни тарбиялаш ва уларни кўллаб-кувватлаш масаласига алохида эътибор каратишимиз лозим.
Албатта, бу йўлда дастлабки кадамлар кўйилаётганини айтиш лозим. Масалан, Мустакиллик ва Наврўз байрамлари, «Шарк тароналари» мусика фестивалига багишланган асосий томоша ва тантаналарни тайёрлаш бўйича театр ва телевидение режиссёрлиги, бадиий-публицистик сценаристлик борасида улкан тажриба тўпланди. Ана шу бой тажрибаларни хар томонлама чукур ўрганиш, умумлаштириш ва шу асосда ёш ижодкорларни тарбиялаш бўйича зарур назарий ва ўкув-услубий базани шакллантириш, бугунги талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш юзасидан амалий ишларни кенг йўлга кўйиш бу муаммоларни ечиш имконини бериши шубхасиз.
Хозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод килиб, янги-янги ютукларни кўлга киритаётгани, бу сохага кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани унинг равнаки ва истикболидан далолат беради. Бундай ижобий ўзгаришларни монументал санъат сохасида хам кузатиш мумкин. Маълумки, монументал санъат деганда, аввало катта таъсир кучига эга бўлган махобатли хайкаллар ва ёдгорлик мажмуаларини тушунамиз.
Ўрни келганда айтиш лозимки, собик совет тузуми даврида бу соха санъатнинг энг мафкуралашган турига айланиб колган эди.
Яхши эслайман, мафкуравий рухдаги ана шундай санъатнинг «ёркин намунаси» бўлган хайкаллардан бири хозирги Ўзбекистон миллий боги худудида жойлашган эски «Комсомол кўли»нинг кираверишида турар эди. Бу хайкал жуда бахайбат бўлиб, унга канча-канча материал ишлатилган эди. Одамни хайрон колдирадиган томони шундаки, бу хайкал нима учун, кандай максадда кўйилгани ва канака маънони англатишини кўпчилик билмас, очиги, билишга кизикмас хам эди. Минг афсуски, бундай хайкалларни мамлакатимизнинг олис туман ва кишлокларида хам кўриш мумкин эди. Уларда кўпинча юртимизга, халкимизнинг хаёти ва кадриятларига мутлако дахли бўлмаган, умри бино бўлиб Ўзбекистонга кадам босмаган зотларнинг киёфаси акс эттирилар эди.
Нафакат пойтахтда, хатто энг чекка худудларда хам шўро дохийларининг, минг-минглаб юртдошларимизнинг умрига зомин бўлган, кейинчалик ёвуз килмишлари бутун дунёга ошкор этилган шахсларнинг хайкаллари савлат тўкиб турар эди. Турли байрамлар муносабати билан ана шу хайкаллар пойига гуллар кўйилар эди. Лекин бу маросимлар ўта сохта ва юзаки бўлиб, одамлар бу тадбирларни чин юракдан эмас, шунчаки расмият учун адо этарди.
Юртимизда маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнлари бошланиши билан бошка санъат турлари каби монументал санъатда хам янги давр бошланди. Ушбу соха шу кадар нозик ва мураккабки, унда хар бир деталь, хатто энг майда бўлиб кўринган масалага хам жиддий эътибор каратиш талаб этилади.
Бу хакда узок гапириш мумкин, лекин мен факатгина бир мисол келтириш билан кифояланмокчиман. Истиклолга эришганимиздан сўнг биз тарихий адолатни карор

топтириш, халкимизнинг топталиб келган миллий гурурини юксалтириш максадида Сохибкирон Амир Темур бобомизнинг нафакат муборак номи, бой мероси ва хотирасини, айни пайтда тарихий сиймосини хам тиклашга карор килдик.
Совет даврида бу масалада гаразли сиёсат олиб борилгани, асоссиз равишда бобомиз жахолат ва ёвузлик тимсоли сифатида кўрсатиб келингани бугун хеч кимга сир эмас. Нега деганда, мустабид тузум тарихий хакикатни намоён этишдан, бизнинг миллий ўзлигимизни англашимиздан мутлако манфаатдор эмасди.
Баъзи бир миниатюра асарларини хисобга олмаганда, ўз вактида Амир Темурнинг портрет-сурати чизилмаган. Лекин ушбу миниатюралар буюк Амур Темурнинг бетакрор шахсиятини хар томонлама тўлик ва хакконий акс эттира олмаслигини тушуниш кийин эмас. Чунки бу расмларнинг бирида Сохибкирон мўгулга, яна бирида хиндга, учинчисида бошка бир миллат вакилига ўхшатиб тасвирланади. Шу туфайли биз унинг асл киёфаси кандай бўлгани хакида аник тасаввурга эга эмас эдик. Кўпчилигимиз уни шўролар даврида антрополог-хайкалтарош М. Герасимов «яратган» кўркинчли бюст оркали билардик, холос.
Афсуски, тарих илмида хам Амир Темур хакида бир-бирига зид ва карама-карши фикрлар, чалкаш талкинлар кўп учрайди. Шунинг учун хам буюк аждодимизнинг портретини кадимий манбаларни хар томонлама синчиклаб ўрганиб, тарихий-илмий хакикат асосида яратиш талаб килинар эди. Изланишлар шуни кўрсатдики, Амир Темур даврига оид баъзи ёзма ёдгорликларда у зот хакида етарли маълумотлар мавжуд экан. Жумладан, Амир Темур саройида етти йил яшаган машхур тарихчи Ибн Арабшох бобомизнинг сурати ва сийратини шундай тасвирлайди:
«Темур баланд бўйли, тик коматли, кенг пешонали, калласи катта, багоят кучли ва салобатли, ок-кизил юзли, кенг елкали, кадди-комати келишган, серсокол, ўнг кўли билан ўнг оёги захмдор, икки кўзи бамисоли икки шамдай порлаб турадиган, йўгон овозли, улуглиги ўзига ярашган, катъий азму карор билан сўзлайдиган, хакгўй киши эди. У зимдан караш ва кўз ишоратларини сезадиган, идрокли, синчков, хар кандай ишоратдан огох киши бўлиб, юз бериши мумкин бўлган хамма ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди».
Ўзингиз айтинг, буюк аждодимизнинг аник ва хакконий портретини яратмокчи бўлган мусаввир учун бундай маълумотлар бебахо материал бўлиб хизмат килмайдими? Биз бу ишнинг тарих ва келажак олдидаги масъулиятини хар томонлама чукур хис этиб, турли манбаларда кайд этилган ишончли тарихий далилларга таянган холда иш тутдик.
Ана шу талабдан келиб чикиб, аввало Амир Темур портретининг бир неча хомаки вариантлари тайёрланди. Улар дастлаб тарихчи олимлар, адиб ва рассомлар, жамоатчилик вакиллари мухокамасидан ўтказилиб, умумий хулосага келинди.
Мен иштирок этган навбатдаги йигилишда ана шундай мухокамалардан ўтган вариант устида фикр алмашдик. Унда Амир Темур тахтда шохона либосларда кўлларини килич устига кўйиб, ўйчан бир киёфада ўтирар эди. Мен умрининг кўп кисми харбий юриш ва сафарларда, эл-юрт ташвишида ўтган инсоннинг кўллари, бармоклари, гавдаси кандай бўлиши, юз-кўзлари кандай маъно англатиши зарурлиги хакида ўз мулохаза ва таклифларимни айтдим.
Шундан сўнг Ўзбекистон халк рассоми Малик Набиев ана шу фикрлар асосида портретни кайта ишлади ва бутунлай бошка сиймо - бугунги кунда бутун халкимизга яхши маълум бўлган Сохибкироннинг мумтоз киёфаси пайдо бўлди. Айнан ана шу сиймо кейинчалик юртимизда Амир Темур бобомизга атаб барпо этилган барча хайкаллар учун

асос бўлиб хизмат килди.
1993 йили Тошкент шахридаги Амир Темур хиёбонига ўрнатиладиган хайкални илк бор мухокама килганимиз эсимда. Хайкалтарошлар такдим этган вариантда Сохибкирон кўлига найза тутган холда тасвирланган эди. Мен бунга эътироз билдириб, «Сохибкирон бобомиз кўлида найза эмас, отнинг жиловини тутиб тургани маъкул, - деган фикрни билдирдим. - Бунинг рамзий маъноси бор. Чунки, салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг кўлида бўлган. Бу мустахкам давлат тизимини кўлда махкам тутиб туришни англатади.
Шу билан бирга, буюк аждодимизнинг иккинчи кўлини баланд кўтариб, дунёдаги барча инсонларга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилаётган аснода акс эттириш максадга мувофик бўлар эди.
Колаверса, халкимизда хар бир иш бисмиллох айтиб, ўнг кўл, ўнг оёкдан бошланади. Бу хайкалда эса от нима учундир чап оёкдан одим ташлаяпти».
Мухокама иштирокчилари бу фикрга кўшилишди ва хайкалтарошлар билдирилган фикрлар асосида янги вариантни яратишди.
1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарканд ва Шахрисабз шахарларида улуг бобомизга атаб хайкал ўрнатиш бўйича амалий ишлар бажарилди.
Дастлабки лойиха ва таклифларга кўра, Самарканддаги хайкал тимсолида Сохибкироннинг авжи куч-кувватга тўлган навкиронлик палласи, яъни йигитлик даврини, Шахрисабздаги хайкал оркали эса унинг бегубор болалик холатини ифодалаш мўлжалланган эди. Мен мухокама пайтида Сохибкирон сиймосини хронологик тарзда эмас, балки ягона, фундаментал образ сифатида тасвирлаш максадга мувофик экани хакида ўз фикримни билдирдим: «Амир Темур образини турли даврларга бўлмасдан, унинг фавкулодда буюк акл-заковати, жасорати ва азму шижоатини яхлит холатда мужассам ифода этиш хар жихатдан тўгри бўларди. Токи Амир Темур сиймосини ким каерда кўрмасин, унинг мардона, улугвор ва донишманд киёфасини бехато таний оладиган бўлсин».
Шу ўринда айтиш жоизки, Самарканд шахрида ўрнатиладиган хайкалнинг дастлабки варианти хам хозиргидан бироз бошкача эди. Унда Сохибкирон кўлида килич ушлаган киёфада тасвирланган эди. Мен бу масалага багишланган сўнгги мухокамаларнинг бирида бундай бадиий ечимга эътироз билдириб, «Тўгри, Амир Темур давлат бошкарувида харбий кучга хам таянган, аммо унинг ўнта ишдан тўккизтасини кенгашу машварат билан, колган биттасини килич билан битирдим, деган сўзларини унутмаслик керак», деб, килични Сохибкироннинг ёнида, кинига солинган холатда акс эттириш лозимлигини таъкидладим. Чунки шунда унинг сиймосида, мен халкимнинг химояси, юртимнинг мудофааси учун хар лахзада курашга тайёрман, лекин дунёда тинчлик-баркарорлик хукмрон бўлишини истайман, деган гоя ўз ифодасини топган бўлар эди.
Биз кўп тортишув ва фикр алмашувлардан сўнг Сохибкироннинг кўлларини бир-бирига кўйиб турган холатини хам ўзгартирдик, бармогидаги «Куч - адолатда» деган машхур сўзлар битилган узугини бўрттириб кўрсатишга карор килдик. Маълумки, бу узук ва унинг кўзидаги хикматли ибора Амир Темурни бутун дунёга машхур килган. Бу шиорда бобокалонимизнинг хаётий эътикоди теран акс этган. Шунинг учун узукни тасвирлашга албатта эътибор каратиш керак, деган хулосага келдик.
Ушбу мухташам хайкалларни минг-минглаб юртдошларимиз, чет эллик мехмонлар

кўриши, улардан завкланиши, фахрланиши, бизнинг кимлигимиз, кандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни айнан шундай асарлар оркали хис этишини хисобга олиб, мен, Сохибкироннинг юзидан нур ёгилиб туриши керак, деган мазмундаги фикрни билдирдим.
Бугунги кунда пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонига, Самарканддаги Кўксарой, Шахрисабздаги Оксарой майдонига хох эрта тонгда, хох кечкурун -качонки бориб караманг, чиндан хам Сохибкирон сиймосида доимо нур жилваланиб турганини кўришингиз мумкин.
Биз ана шундай изланиш ва тажрибалар асосида кейинчалик Фаргона шахрида - Ахмад Фаргоний, Урганчда - Мухаммад Мусо Хоразмий ва Жалолиддин Мангуберди, Навоий шахрида - Алишер Навоий, пойтахтимизда -Гафур Гулом, Абдулла Каххор ва Зулфия сингари алломаларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз хайкалларини, Термиз шахрида Алпомиш, Карши шахрида эса «Эл-юрт таянчи» ва бошка ўнлаб монументал санъат асарларини барпо этишга муяссар бўлдик.
Айникса, кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб, янгича киёфа касб этиб бораётган азим Тошкент шахрининг кок марказида - Мустакиллик ва Хотира майдонларида замонавий монументал санъатимизнинг ноёб намунаси сифатида тан олинган Мустакиллик ва эзгулик монументини, Мотамсаро она хайкалини бунёд этганимиз барчамизга гурур-ифтихор багишлайди. Мен ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, замонлар ўзгаради, лекин ўзининг маъноси ва киёфаси билан бир-бирини тўлдирадиган бу икки ёдгорлик мажмуаси нодир ва ўлмас бадиий обида сифатида халкимиз маънавиятининг ажралмас кисми бўлиб колади.
Бизнинг монументал санъат сохасида амалга оширган яна бир улкан ишимиз табаррук заминимизда тугилиб вояга етган ва мангу ором топган буюк азиз-авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо этганимизда намоён бўлди. Жумладан, Бухорода Абдулхолик Гиждувоний ва Бахоуддин Накшбанд, Самаркандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Маргилонда Бурхониддин Маргиноний, Тошкент шахрида Хазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуаларини яратдик. Халкимиз хаётида чукур из колдирган, бугунги кунда том маънода мукаддас зиёратгохларга айланган бундай мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиришга улкан хисса бўлиб кўшилди, десак, хар томонлама тўгри бўлади.
Айни пайтда юртимизда монументал санъат сохасини ривожлантириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турганини таъкидлаш лозим. Хусусан, бу сохада хам замонавий ижодий мактаб яратиш, шу максадда кенг микёсда фикрлайдиган, кадимий тарихимиз, миллий табиатимизни чукур биладиган, ўзи ясатаётган образнинг барча хусусиятларини авваламбор юрагидан, калбидан ўтказиб ижод килишга кодир бўлган етук хайкалтарош ва меъморларни тарбиялаш долзарб масала бўлиб турибди.
Ёшларнинг маънавий оламини болаликдан бошлаб эзгу гоялар асосида шакллантириш ва камол топтириш хакида гап борар экан, яна бир мухим масала хусусида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман. У хам бўлса, дунёга хайрат кўзи билан бокиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мургак фарзандларимизнинг кизикиши ва хиссиётларига мос кўгирчок ва ўйинчоклар ишлаб чикариш масаласидир.
Бир караганда, бу муаммо арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин хар кайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоклар оркали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни бекиёс экани аён бўлади. Ўйинчоклар образи боланинг мургак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган

накшдек мухрланиб, унинг онгида бир умр сакланиб колади. Гўдакнинг улгайиб, касб танлаши, келажакда кандай йўлдан бориши, ўзининг хаёт тарзини кандай ахлокий-маънавий асосларга куриши хам, хеч шубхасиз, унинг болаликда кандай ўйинчоклар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади.
Афсуски, хозирги вактда фарзандларимиз кўпинча хорижда ишлаб чикарилган, бизнинг миллий табиатимиздан узок бўлган ўйинчок ва кўгирчокларни ўйнаб улгаймокда. Маргилон шахрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан бу ерда халк амалий санъати вакиллари билан учрашганимда, улар орасида миллий кўгирчоклар тайёрлаш билан шугулланадиган бир аёлнинг ажойиб ишлари эътиборимни ўзига тортган эди. Мана шундай фидойи инсонлар юртимизда кўплаб топилади, уларни хар томонлама кўллаб-кувватлаш маънавий тарбия масаласига, айни вактда миллий хунармандчиликнинг бу ноёб турини ривожлантиришга хам ижобий таъсир кўрсатган бўлур эди.
Бу масалада иш олиб борадиган инсонлар нафакат педагог, психолог ёки дизайнер бўлиши, шу билан бирга, тарихимиз ва маданиятимизни хар томонлама чукур билиши керак. Шу маънода, ўйинчок ва кўгирчокларга тарихимиздаги ибратли кахрамонлар, халкимизнинг бой ва бетакрор эстетик дунёсини акс эттирадиган персонажлар, миллий кадриятларимиз асос килиб олинса, максадга мувофик бўлур эди, деб ўйлайман.
Санъат ва маданиятдек кудратли куч оркали инсон калбига йўл топиш хакида сўз юритар эканмиз, хаммамиз яхши тушунамизки, хар кайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод ахлига кандайдир акл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошкаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу хаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илхомлантирадиган мукаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халк манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий богликдир. Агарки хар кайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас гояларни бош максад килиб кўйса, уларни бадиий махорат билан ифода эта олса, хеч шубхасиз, адабиёт хам, маданият ва санъат хам том маънода маънавий юксалишга хизмат килиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлик адо этишга эришган бўлади.

## Энг буюк жасорат

Буюк цивилизация ва маданият бешиги бўлган, кўхна ва хайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги бебахо ёдгорликлар, осори атикалар хакида сўз юритар эканмиз, шу заминда яшаётган барча инсонлар уларни аввало халкимиз дахосининг ёркин намунаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юксак маънавиятига кўйилган муаззам хайкаллар деб кабул килади.
Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният хаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуг кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва кахрамонлик намуналари одамзотнинг акл-тафаккури, салохияти ва маънавий жасорати махсулидир. Шунинг учун хам бу ёруг оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, хеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат -бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Жахон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, калбида, юрагида ана шундай жасорат хисси нихоятда кучли бўлган инсонлар хар кандай мураккаб вазиятда хам адолат ва хакикат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун кандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари туфайли эзгу хис-туйгулар, мукаддас ва улуг тушунчалар дунёда хануз баркарор бўлиб келмокда. Бундай беназир зотларнинг барча халклар ва миллатлар орасида кўплаб топилиши - маънавий жасорат туйгуси бутун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради.

Масалан, неча асрлардан буён юксак тафаккур ва акл-заковат тимсоли бўлиб келаётган антик даврга мансуб юнон файласуфи Платоннинг хаёт йўлини ўзимизга бир тасаввур килиб кўрайлик. Маълумки, Платон бутун умрини илму маърифатга багишлаган улуг донишманд - Сократнинг муносиб шогирди эди. Тарихий манбаларнинг гувохлик беришича, Сократнинг ўлимидан кейин юнон фалсафасининг такдири хавф остида колади.

Факатгина Платоннинг фидоийлиги ва бекиёс хизматлари эвазига бу фан янги боскичга кўтарилади. Унинг канчадан-канча кийинчилик, сарсон-саргардонликдан сўнг бор мол-мулкини сарфлаб, Афина шахри якинидан махсус ер сотиб олиб, олимлар тўпланиб, бахс-мунозара олиб борадиган жой -академия ташкил этиши чинакам маънавий жасорат намунаси эди. Платон асос солган бу илмий маскан минг йил давомида нафакат юнон, балки бутун Шарку Гарб оламининг ривожига кучли таъсир ўтказади, инсоният тафаккур тараккиётининг истикболини белгилаб беради. Шу боис хам Платон Шарк илм-фанида «устоди аввал», яъни биринчи муаллим деган шарафли ном билан шухрат козонади.

Бундай мисолларни юртимиз заминидан етишиб чиккан, Багдоддаги «Байтул-хикма» ва Хоразм Маъмун академиясида фаолият олиб борган, илм-фан сохасидаги тенгсиз кашфиётлари, маънавий жасорати билан тарихда ўчмас из колдирган буюк мутафаккир аждодларимиз хакида хам кўплаб келтириш мумкин.

Хусусан, Хоразм Маъмун академияси фаолиятини оладиган бўлсак, бу мўътабар илмий масканда Шарк ва Гарб ўлкаларидан келган, турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлса-да, унинг негизини Абу Наср ибн Ирок, Абу Райхон Беруний ва Ибн Сино, Махмуд Хўжандий, Ахмад ибн Мухаммад Хоразмий ва Ахмад ибн Хамид Найсабурий каби мана шу бизнинг минтакамизда тугилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани барчамизга гурур ва ифтихор багишлайди.

Улкан маънавий жасорат сохиблари бўлган бундай аллома зотлар дунёнинг каерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган. Чунончи, ўрта асрларда астрономия сохасидаги илмий кашфиётлари учун тазйик ва таъкибларга учраган Николай Коперник хамда кейинчалик унинг изидан бориб, жохил ва акидапараст рухонийлар томонидан ўтга ташланган  Жордано  Бруно,  канчадан-канча таъна  ва  маломатларга гирифтор этилган Галилео Галилей каби алломаларнинг жасоратида хам хакикатга садокат, эътикод учун курашнинг ёркин намунаси яккол намоён бўлганини кўрамиз.

XX аср тарихида хам бундай улуг сиймоларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Хиндистон миллий озодлик курашининг етакчиси бўлиб майдонга чиккан, халк орасида «Махатма», яъни буюк калб эгаси деб шухрат козонган улкан мутафаккир ва давлат арбоби Махатма Ганди ана шундай шахслардан бири эди. У асос солган гандизм таълимотида хинд халкининг дилига бехад якин бўлган гоя ва тушунчалар мужассам

топган. Айникса, ўз юртини мустамлакачилардан озод килиш, ягона Хиндистон бирлиги, мустакил давлат барпо этиш масаласи Махатма Ганди хаёти ва фаолиятининг маъно-мазмунини ташкил этади.

Бутун умр оддий ва камтарона, лекин эзгу гоялар йўлида тинимсиз курашиб яшаган бу зотнинг фалсафий-сиёсий карашларида инсоният учун ибратли жихатлар кўп. Жумладан, унинг турли муаммо ва зиддиятларни куч ишлатмасдан, тинч йўл билан хал килишга оид фикрлари дунё давлатлари ўртасидаги муносабатларда, ижтимоий хамкорлик масаласида бугун хам ўз ахамияти ва долзарблигини йўкотмасдан келмокда.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, халкимиз тарихнинг хар кандай тўфон ва суронларига карамасдан, миллий ўзлиги ва азалий кадриятларини саклаб колиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида унинг кон-кони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйгуси, хеч шубхасиз, хал килувчи таъсир ўтказиб келмокда.

Чунки, ўзбек халки дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб колгани йўк. Биз - бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз. Кадимий тарихимизни хар томонлама ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, энг калтис ва тахликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга карши курашга ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, харбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кўтариб жахолатга карши чикишга чорлаган бекиёс куч хам айнан маънавий жасорат туйгусидир.

Шу нуктаи назардан караганда, Урганчни боскинчилардан химоя килишда байрок тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг кахрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон кўшинига карши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангубердининг жанговар рухида, юртимизни истилочилардан озод килиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик салохиятида хам маънавий жасорат туйгуси буюк ва устувор ахамият касб этгани шубхасиз, албатта.

Ўтган аср бошларида, тарихимизнинг огир ва мураккаб даврида майдонга чиккан жадид боболаримизнинг фидоийлиги замирида хам ана шундай жасорат намунаси мужассам эди, десак, хеч кандай муболага бўлмайди.

Менинг назаримда, авваламбор Яратганимизнинг ўзи хар бир мавжудотга жасорат кўрсатиш имконини беради ва онг-тафаккур сохиби бўлган инсонлар бундан ибрат олиб яшайди. Мисол учун, эрта бахорда табиатнинг кандай уйгонишига эътибор беринг - тош котиб ухлаб ётган дарахт новдаларига бир кечада жон кириб, куртак чикара бошлайди, ерга ташланган уруг тупрокни ёриб чикади. Хатто бир карашда хаёт аломати йўкдек туюладиган тогу тошларда хам ям-яшил майсалар кўкаради, кирмизи лолалар алвон гиламдек очила бошлайди. Буларнинг барчаси табиат багридаги кўзга кўринмас мислсиз кудрат -энергиянинг ажиб бир тарзда намоён бўлиши билан богликдир.

Еру кўкдаги бундай буюк ўзгаришларни сезиш, хис килиш ва улардан сабок чикариш, ўрнак олиш учун одамзот ўзининг ён-атрофига уйгок нигох, калб кўзи билан караши лозим, деб ўйлайман. Шундагина хаётнинг маъноси тинимсиз кураш, кийинчиликларни енгиб ўтиш, бир сўз билан айтганда, доимий жасорат, азму шижоат билан яшашдан иборат экани аён бўлади.

Хакикатан хам, табиат ва тарих конунларини, унинг тараккиёт жараёнларини чукур тушунадиган одамгина ўз хаётини маънавий жасорат асосига куришга кодир бўлади. Шу маънода, шахсан мен захматкаш ва бунёдкор халкимизнинг хаётини, айникса киш кахратони ва ёз жазирамасида хам, бахор ва кузнинг ёгин-сочинли кунларида хам ердан ризк ундириш максадида кунни кунга, тунни тунга улаб мехнат киладиган дехконларимиз

хаётини том маънода жасорат намунаси, деб биламан.
Кўпчилик каторида, факат вазият такозо этган такдирда майдонга отилиб чикиш, кахрамонлик кўрсатиш - албатта, бу хам осон эмас. Бунинг учун хам инсонда катта юрак, гайрат-шижоат, энг мухими, ўзига, ўзининг куч-кудратига мустахкам ишонч бўлиши керак. Лекин менга буюрса, хар куни, хар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк максадлар сари чарчамай, толикмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш - хакикий кахрамонлик аслида мана шу, деб айтган бўлар эдим.
Нега деганда, кундалик хаётда жонкуяр бўлиш, хар куни фидоийлик кўрсатиш, рухан хеч качон букилмай, бу фазилатни хаёт коидаси даражасига кўтариш, очик айтиш лозимки, бу хамманинг хам кўлидан келавермайди. Бунинг учун инсонга буюк калб ва метин ирода керак, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.
Мен ўз хаётим, иш фаолиятим давомида маънавий жасорат сохиби бўлган, хар томонлама етук шахслар билан мулокотда бўлганим, замондош бўлиб яшаганимдан доимо фахрланиб юраман.
Ана шундай ватандошларимиздан бири машхур археологик олим, академик Яхё Гуломов эди. Ўз даврининг фидойи алломаси бўлган бу инсонни мен яхши билардим. У ўзининг мустакил фикрига эга, керак бўлса, юкори лавозим эгаларига ёкмайдиган тўгри гапларни хам дадил айта оладиган улкан олим эди.
Тарихчилар яхши билади, одатда тепаликлар каърида тарихий обидалар, бутун бир шахар колдиклари ястанган бўлади. Шўро даврида, факат томлардагина пахта экилмай колган бир пайтда ана шундай кадимий тепаликларни хам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъкул ишга жасур олим Яхё Гуломов карши чикканини мен яхши эслайман. Унинг ана шу фазилати туфайли тазйик кўрганини хам эшитганман. Лекин бу инсон ўзининг калбидаги маънавий жасорат хисси туфайли хаётий ва илмий карашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади.
Мен ўйлайманки, адолатни хамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятни хис этадиган, хакикий ватанпарвар одамгина шундай мардликка кодир бўлади.
Нафакат ўз шеърлари, балки бутун хаёти билан ўзбек аёлининг маънавий киёфасини намоён этган атокли шоирамиз Зулфияхонимни хам мен ана шундай фидойи инсонлар каторига кўшган бўлардим. Унинг жахон минбарларидан янграган шеърлари Шарк аёлининг аклу закоси, фазлу камолининг ёркин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият мухлисларига одамийлик, мухаббат ва садокатдан сабок берган, десак, муболага бўлмайди.
Лекин бу мураккаб хаёт калби ўз халки ва Ватанига мехр-мухаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни хамма вакт хам аягани йўк. Аслида, бу дунёда айрилик ва хижрон азоби барчанинг хам бошида бор. Аммо гам-андух ва хасратларни матонат билан енгиб, тогдек бардоши билан вафо ва садокат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар хар кандай юксак хурмат ва эхтиромга муносибдир.
Мен билган ва хурмат киладиган маънавий жасорат сохибларидан яна бири атокли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов эди.
Бу ажойиб инсоннинг номини кўпдан буён эшитиб юрган бўлсам-да, мен у киши билан истиклол йилларида якиндан танишдим. Унинг факатгина илмий-педагогик фаолият

билан чекланиб колмасдан, ижтимоий-маънавий сохада хам бекиёс фаоллик кўрсатгани олимга бўлган хурматимни янада зиёда килди.
Кўплаб юртдошларимиз каторида мен хам айникса Озод аканинг иродаси кандай бакувват эканига, унинг калб жасоратига койил колганман.
1997 йилнинг ёз ойларида канд касаллиги зўрайиб, домла огир операцияни бошидан ўтказади, врачлар унинг хаётини саклаб колиш учун бир оёгини кесишга мажбур бўлади. Аммо бу одам шунчалик матонатли эканки, шунда хам тушкунликка тушмади, илмий ва ижодий фаолиятдан бир зум бўлсин тўхтамади.
Кейинчалик касаллик янада кучайиб, Озод ака иккинчи оёгидан хам жудо бўлди. Бу хам етмагандек, кўриш куввати хам нихоятда заифлашиб колади. Домланинг хаётини саклаб колиш, соглигини тиклаш учун барчамиз кўп саъй-харакат килдик, хатто хориждан хам шифокорлар таклиф этдик.
Ана шундай огир шароитда хам бу инсон «Жахон адабиёти» журналининг бош мухаррири сифатида ўз бурчига, эътикодига содик колиб, лупа ёрдамида журнал материалларини тахрир килиб бориш билан бирга, киркдан ортик йирик роман ва киссаларни ўзбек тилига таржима килгани, албатта, хар кандай одамни хам хайратга солиши табиий. Озод ака бу билан хам кифояланмасдан, республикамиздаги матбуот нашрларида, радио-телевидениеда, турли тадбир ва анжуманларда миллий маънавиятимизнинг ўзига хос жихатлари, буюк аждодларимизнинг бебахо мероси, мустакилликнинг маънавий асосларини мустахкамлаш хакида кўплаб чикишлар килди. Ўнга якин салмокли китоблар ёзди.
Хаётининг аксарият кисми шифокорлар назоратида, огир, тинкани куритадиган муолажалар остида ўтадиган одамнинг шундай улкан жасорат кўрсатиб яшагани, эхтимол, кимгадир афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бу кишининг соглиги ва кайфиятидан доимо хабардор бўлиб, бу йўлда кўлидан келган ёрдамни аямаган барча инсонлар бунинг афсона эмас, хакикат эканини, бизнинг орамизда бутун борлигини маънавият ва маърифатга багишлаган ана шундай мард ва жасур бир шахс яшаб ўтганини яхши билади.
Озод Шарафиддинов мамлакатимизнинг маънавий юксалиши йўлидаги буюк хизматлари учун хакли равишда давлатимизнинг олий мукофоти -«Ўзбекистон Кахрамони» унвонига сазовор бўлганини халкимиз, жамоатчилигимиз яхши билади, албатта.
Ўйлайманки, ўзини ўзбек халкининг фарзанди деган хар кайси инсон ана шундай фидойи юртдошларимиз билан чексиз фахрланади, униб-ўсиб келаётган болалари, шогирдларига маънавий жасорат тимсоли сифатида айнан мана шундай одамларни намуна килиб кўрсатади. Ва хеч шубхасиз, умр бўйи эл-юрт манфаати, Ватан истикболи учун курашиб яшайдиган шундай кахрамон фарзандлари бор халк хеч качон кам бўлмайди.
Мухтасар килиб айтганда, олис ва якин тарихимиз шуни кўрсатадики, халкимиз доимо маънавий жасорат хисси билан яшаган ва бу улуг туйгу унинг хаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормокда. Чунки халк маънавияти шундай бир буюк уммонки, хар кайси авлод ундан куч-кудрат, гайрат ва илхом олиб, ўзининг накадар улкан ишларга кодир эканини намоён этади.
Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида кўлга киритилган миллий мустакиллик - XX асрда халкимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир, десак, айни хакикатни айтган бўламиз.

## Хотима

Маънавиятнинг хаётимиздаги ўрни ва ахамияти хакидаги фикр-мулохазаларимизга якун ясар эканмиз, авваламбор, шуни чукур англаб олишимиз даркорки, маънавий юксалишга эришиш - бу бир йиллик ёки беш-ўн йиллик иш эмас. Халк, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. Чунки маънавият котиб колган акидалар йигиндиси эмас, аксинча, доимий харакатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараккиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий хаёт олдига кўйиладиган талаблар хам муттасил пайдо бўлаверади.
Яъни, мамлакатимиз тараккиёт пиллапоясидан янги-янги чўккилар сари кадам кўяр экан, биз яшаётган замон суръатлари шиддат билан тезлашиб, олдимизда яна канча муаммо ва машаккатлар пайдо бўлар экан, табиийки, маънавий хаётимиз хам ана шу синовларда тобланиб, юксалиб, жамиятимиз, миллатимизнинг ёруг ва соглом келажагини хар кандай тахдид ва тўфонлардан -давр ўзгариши билан уларнинг кўриниши ва шакли ўзгаришига карамасдан -безавол саклаш ва асраб колишга кодир бўлиши даркор.
Ана шу фикр ва хулосалардан келиб чиккан холда, «Биз киммиз?» деган саволга жавоб бермасдан туриб, энг мухими, маънавий бойликни, маънавиятни юксалтиришга доимий интилмасдан туриб биз ўз олдимизга кўйган эзгу максадларга эришиш мумкин эмас, десам, калбимдан чукур жой олган фикрни айтган бўламан.
Бугунги кунда маънавият дунёсига нисбатан мавжуд бўлган хавф-хатарлардан албатта кўз юмиб бўлмайди, лекин бизнинг ишончимиз комилки, халкимиз тарихнинг мураккаб жараёнларида иродаси чиникиб, хар кандай хужум ва тазйикларга карамасдан, маънавий олами кучайиб ва юксалиб бораётгани, бизни кўролмайдиган кучлар хам бу хакикатни тан олаётганини мамнуният билан кайд этамиз.
Чунки халк - бамисоли улуг ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Уни йўлдан чалгитишга уринувчилар, пайт пойлаб оркасидан хамла килувчилар хамиша бўлган, бундан кейин хам бўлиши мумкин. Карвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халк карвонини хеч кандай куч ортга кайтаролмайди. Нега деганда, халкнинг калбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч - маънавият бор.
Барчамизга гурур ва ифтихор багишлайдиган томони шундаки, бизнинг эзгу интилишларимиз замирида хам ана шундай пок ният, буюк ишонч мужассам. Аник максад йўлидаги бунёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бошлаган, кўзлаган режаларимиз боскичма-боскич рўёбга чикиб, дунё хамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб бораётган хозирги кунда халкимиз, миллатимиз калбидаги ана шу ишонч янада мустахкамланмокда.
Шу боис мен шонли тарихига садокат билан караб, бугунги озод хаётини кадрлаб, ўз келажагига катта умид билан интилаётган халкимизнинг донишмандлиги ва матонати, унинг иймон-эътикоди, мустахкам иродаси ва юксак маънавий рухи доимо баркарор яшайди, деб ишонаман.

**Ислом Каримов**